БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 166 (16.249) • 17 июль 1975 йил, пайшанба • Баҳоси 2 тийин

АНДИЖОН ОБЛАСТИ. Билархон Ҳамдамова — оддий деҳқон қизи. У 1966 йилда ўрта мактабни аъло баҳолар билан тугаллаб, ўз она қишлоғида — Ленин районидаги Карл Маркс номли колхозда ишга қолганди. Бу ерда у техникани эгаллаб, колхознинг илғор механизаторлари сафидан муносиб ўрин олди. Ҳамқишлоқлар Билархон Ҳамдамовага юксак ишонч билдириб, Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат қилиб сайладилар. Оддий деҳқон қизи меҳнатдан бахт-иқбол топди. Суратда: илғор механизатор Б. Ҳамдамова.

Р. Ашуров фотоси. (ЎзТАГ).

КПСС XXV СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

БУТУН КУЧ — ҲОСИЛ ТЎПЛАШГА

ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ДАВР

Республикамиз қишлоқ меҳнатчилари КПСС XXIV съезди қарорларида белгиланган коммунистик қурилиш вазифаларини шараф билан бажармоқдалар. Пахта, сут, гўшт, пилла, сабзавот, дон ва бошқа хил маҳсулотлар тайёрлаш беш йиллик планлари муваффақиятли адо этилмоқда. Ўтган тўрт йилда пахта—беда алмашлаб экишни кенг жорий этиш туфайли деҳқончилик маданияти юксалтирилди, ҳосилдорлик оширилди. Комплекс механизацияни кенг жорий этиш маҳсулотни кўпайтириш, таннархни арзонлаштириш, сортни яхшилаш, рентабелликни оширишда ҳал қилувчи роль ўйнади.

Пахтакорларимиз якунловчи йилда янада зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Пахта майдони 34 минг гектар кенгайтирилди, ўсимликнинг ўсиш ва ривожланиши ўтган йилдагидан анча олдин бормоқда, ҳар гектар майдонда 9—10 минг туп гиёҳ нихол бўлишига эришилди. Шу кунларда ғўза парвариши агротехника талаблари даражасида олиб бориляпти.

Бироқ табиат инжиқликлари туфайли пахтакорлар, ғаллакорлар, чорвадорлар, сабзавоткорлар катта қийинчиликларга дуч келдилар. Республикада оқар сув ҳар йилдагидан кам бўлди, Сирдарё, Зарафшон дарёлари ва бошқа иншоотлардан сув оладиган хўжаликлар айниқса катта қийинчиликларга дуч келмоқдалар, ғўзалар қийғос гуллаб, кўсаклаётган ҳозирги дамларда сув танқислиги тобора кўпроқ сезилмоқда.

Республика партия ва ҳукумати сув танқислигини бартараф этишга қаратилган катта тадбирларни амалга оширмоқдалар. Каналлар, сойлар бетонлаштирилмоқда, артезиан қудуқлари қазилмоқда, насос станциялари ишга туширилмоқда. Бундан руҳланган пахтакорлар ғўзаларни суғоришда янгилик ва прогрессив усулларни кенг қўлламоқдалар, Чуст ва Шаҳрисабз деҳқонларининг методи тобора кенг қулоч ёймоқда, оз сув билан катта майдонлардаги ғўзаларни қондириб суғориш одат тусига киритилмоқда.

Пахтакорларимиз юз берган қийинчиликлар олдида саросимага тушганлари йўқ, аксинча, партия ташкилотлари атрофига ҳар қачонгидан маҳкамроқ жипслашиб, меҳнатда жасорат намуналарини кўрсатмоқдалар, культивация, чопиқ, суғориш, озиқлантиришни бир-бирига боғлаб олиб бориб, ҳамма майдонларда пахтадан юқори ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар. Халқ меҳнати, техника қудрати, ўғит мўъжизаси туфайли ҳозир республикамиз бўйича ҳар туп ғўзада 2-3 тадан бўлиқ кўсак етиштирилди.

Ҳозир барча колхозлар, совхозлар, районлар ва областларда ғўза парвариши ва бошқа ишларнинг бориши ўзаро текширишдан ўтказилмоқда, ютуқлар умумлаштирилиб, камчиликларни тугатишга қаратилган тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзаро текшириш бригадалари аъзолари оз меҳнат ва маблағ сарфлаб, кўп. арзон, сорти юқори пахта етиштиришга алоҳида эътиборни қаратмоқдалар. Ильич районидаги Титов номли совхозда дала ишлари комплекс механизациялаштирилиши туфайли энг арзон пахта етиштирилмоқда. Афсуски, айрим хўжаликларда ҳамон пахтанинг таннархи қимматга тушмоқда. Бунга йўл қўймаслик учун ҳисоб-китоб билан иш олиб бориш, техникага зўр бериш керак.

Кўпчилик районларда чеканка бошлаб юборилди. Бу ҳосилдорликни ошириш билан машина теримининг тақдирини ҳал қиладиган асосий агротехника тадбиридир. Чеканкани фақат машиналар воситасида ўтказиш керак, шунда меҳнат унумдорлиги беқиёс кўтарилади. Энг муҳими — фурсатдан ютилади, ҳосил нишоналари кўпаяди, кўсакларнинг очилиши тезлашади. Бу биринчи сорт пахтани кўпроқ олиш имкониятини беради.

Якунловчи йилда камида 3 миллион тонна пахта машиналарда терилади. Иирик ва юқори ҳосилли участкалар машина теримига ажратилиши, ғўзалар меҳр билан парвариш қилиниб, юқори ҳосил тўпланиши керак. Айни кезда машиналар ремонти тезкорлик билан тугалланиши, ғўза баргини сунъий тўктириш учун химикатлар тайёрлаб қўйилиши зарур. Механик ҳайдовчилар мусобақасини бутун чоралар билан кучайтириш муҳим вазифадир. Ҳар бир хўжаликда механизатор кадрлар тайёрлаш юзасидан белгиланган тадбирлар тўла амалга оширилиши, республикамиз бўйича 100 минг механизатор тайёрлашга эришилиши лозим. Бу муҳим ишни партия ташкилотлари ўз назоратлари остига олишлари зарур.

Партия ва ҳукуматимиз пахтакорлар ҳақида доимо оталарча ғамхўрлик қилмоқдалар. Яқинда матбуотда эълон қилинган қатъий пландан ташқари топшириладиган пахта харид нархининг 50 процент оширилиши бу ғамхўрликнинг янги тимсолидир. Қарорга асосан республикамиз пахтакорлари она-Ватанга 5 миллион 200 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш билан қўшимча 300 миллион сўм даромад оладилар.

Бунинг учун ҳамма жойда ғўза парваришини кучайтириш, дала ишларини бир-бирига уйғунлаштириб бориш, биринчи сорт пахта миқдорини ошириш чораларини кўриш керак. Юқори сорт пахта қўшимча даромад манбаидир. Июль ойининг қолган кунлари, август ой давомида фидокорлик намуналарини кўрсатиб меҳнат қилиш билан бу мақсадга эришиш мумкин ва лозим. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев ўзбек пахтакорлари пахтачиликда ўтган йилги муваффақиятни бу йил ҳам такрорлайдилар, деб катта ишонч билдирди. Ишончни оқлашга муносиб ҳисса қўшиш — ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Пахтакорлар фидокорона меҳнатлари билан мўл ҳосил етиштирмоқдалар. Лекин қишлоқ хўжалик зараркунандалари ҳосил нишоналарига чанг солмоқда. Айрим хўжаликларда ўргимчаккана, кўсак қурти пайдо бўлди. Унга қарши дарҳол профилактик чоралар қўлланмаса, ҳосил чўғига жиддий путур етиши мумкин. Механизаторлар, химизаторлар бутун техника восталарини ишга солиб, зараркунандаларни қириб ташлашлари, қайта пайдо бўлишига йўл қўймасликлари керак.

Ғаллакорларимиз олдида катта вазифалар турибди. Мавжуд донни сира нес-нобуд қилмай ўриб-янчиб олишлари, даластга дон топшириш планини бажаришлари, етарли миқдорда уруғлик фонди жамғариб олишлари, чорва моллари озуқа базасини мустаҳкамлашлари талаб этилади. Бу йил катта майдонларга маккажўхори ва шоли экилди. Ҳар икки экиндан юқори ҳосил олиш кўзда тутилмоқда. Бунинг учун экинлар парваришини кучайтирилиши, суғориш, озиқлантириш бутун чоралар билан авж олдирилиши керак.

Табиий ўтлар кам бўлди. Бироқ ички имкониятлар пухта ўрганилса, ҳар бир колхоз ва совхозда дағал ҳашак тайёрлаш, силос ва силос бостириш топшириқларини ортиғи билан бажариш учун етарли имкониятлар бор. Ҳар бир хўжаликда шунга эришмоқ керак. Чорва бинолари қуриш, мавжудларини ремонтдан чиқариш сира кечиктириб бўлмайдиган вазифадир.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Мурожаати барча қишлоқ хўжалик ходимлари учун жанговар қўлланмадир. Унда баён этилган вазифаларни бажариш билан ҳамма турдаги экинлар, хусусан пахтадан юқори ҳосил етиштирамиз. Партия ташкилотлари Мурожаатни меҳнаткашлар орасида янада кенгроқ пропаганда қилишлари, социалистик мусобақани авж олдиришлари керак. 5 миллион 200 минг тонна пахта хирмони нўтаришга мустаҳкам замин яратайлик! Бу — КПСС XXV съездига муносиб совғамиз бўлади.

✦ ҲОСИЛ ТАҚДИРИ ШУ КУНЛАРДА ҲАЛ ҚИЛИНАДИ. КУЛЬТИВАЦИЯ, ЧОПИҚ, СУҒОРИШ ВА ОЗИҚЛАНТИРИШНИ БИР-БИРИГА БОҒЛАБ, ЮҚОРИ СИФАТЛИ УТКАЗИБ, ТЕЗРОҚ ШОНАЛАРНИ ГУЛЛАРГА, ГУЛЛАРНИ ТУГУНЧАЛАР, КЎСАКЛАРГА АЙЛАНТИРИНГ!

✦ СУВ ТАНҚИСЛИГИ ҲАММА ЖОЙДА СЕЗИЛМОҚДА. ШУНДАЙ ВАЗИЯТДА НИҲОЯТДА ОМИЛКОРЛИК БИЛАН ИШ ТУТИШ ТАЛАБ ҚИЛИНАДИ. МАВЖУД СУВНИНГ ҲАР ҚАТРАСИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИБ, БИРОР ТУП ҒЎЗАНИНГ ЧАНҚАБ ҚОЛИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ! СУВЧИЛАР СОНИ КЎПАЙТИРИЛИШИ, УЛАРНИНГ КЕЧА-КУНДУЗ ЮҚСАК УНУМ БИЛАН ИШЛАШЛАРИ УЧУН ҲАММА ШАРОИТЛАР ЯРАТИБ БЕРИЛИШИ КЕРАК.

✦ БАЪЗИ ЖОЙЛАРДА УРГИМЧАККАНА ВА КЎСАК ҚУРТИ ПАЙДО БУЛМОҚДА. ПЕШАНА ТЕРИ БИЛАН ЕТИШТИРИЛАЕТГАН ҲОСИЛГА ПУТУР ЕТКАЗУВЧИ ЗАРАРКУНАНДА — ҲАШАРОТЛАРНИ БУТУНЛАЙ ҚИРИБ ТАШЛАНГ!

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

ГУЛИСТОН, 16 июль. (ЎзТАГ). Сирдарё область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум қатнашчилари область меҳнаткашлари ўртасида КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдириш соҳасида область партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида область партия комитетининг биринчи секретари В. А. Хайдуровнинг докладини муҳокама қилдилар.

Муҳокама этилган масала юзасидан пленум тегишли қарор қабул қилди.

СОВЕТ—АМЕРИКА ЭКСПЕРИМЕНТИ КОСМОСНИ ЎЗЛАШТИРИШДА ЯНГИ БОСҚИЧ

«СОЮЗ-19»: УЧИШ ПРОГРАММА БЎЙИЧА ДАВОМ ЭТЯПТИ

ПОДМОСКОВЬЕДАГИ УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 15 июль. (ТАСС). Москва вақти билан соат 19. 34 минутга қадар «Союз-19» космик кемаси ер атрофини уч марта айланиб чиқди.

Кема орбитасининг параметрлари қуйидагича:

— Ер юзасидан максимал узоқлашуви — 221,2 километр;
— ер юзасига минимал яқинлашуви — 186 километр;
— ер атрофини айланиб чиқиш даври — 88,5 минут;
— орбитанинг оғиши — 51,8 градус.

Монтаж қилинадиган орбитага чиқиш мақсадида ер атрофини бешинчи марта айланиб чиқиш чоғида бажариладиган биринчи маневрни ўтказиш программаси «Союз-19» космик кемасининг бортига маълум қилинди.

Кеманинг учиши программага мувофиқ ўтмоқда. Космонавтлар Алексей Леонов ва Валерий Кубасовларнинг сиҳат-саломатлиги яхши.

* * *

МОСКВА ОБЛАСТИДАГИ УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 16 июль. (ТАСС). Алексей Леонов билан Валерий Кубасовнинг иккинчи иш куни бугун соат 9 да бошланди. Космонавтлар уйқудан туришгач, «Союз-19» кемаси ичидаги системаларнинг ҳолатини текширишни давом эттирдилар.

Экипаж ухлаётган пайтда «Союз-19» космик кемаси Совет Иттифоқи территориясида жойлашган кузатув станцияларидан ташқарида бўлди. Шу вақтда СССР Фанлар академиясининг Канада шарқий соҳили яқинида турган «Космонавт Юрий Гагарин» илмий-тадқиқот кемаси билан Кариб денгизининг Гондурас қўлтиғида турган «Академик Сергей Королев» илмий-тадқиқот кемаси ёрдами билан орбитал кема ичидаги системалар назорат қилиб турилди.

Космонавтлар эрталабки ювинишдан сўнг, нонушта қилдилар ва иккинчи кун учиш программасини бажаришга киришдилар. Биринчи иш куни кема ичидан телевизион программа кўрсатиб бўлмаганлигидан навбатдаги алоқа сеансларида Москва областидаги учишни бошқариш марказидан кема ичига телевизион система иш қобилиятини таъминлаш борасида тавсиялар айтиб турилди.

«Союз-19» кемасининг бўлмаларида нормал температура ва босим сақланмоқда. Космонавтлар Алексей Леонов билан Валерий Кубасов ўзларини яхши ҳис қиляптилар. Учиш давом этмоқда.

«АПОЛЛОН» КОСМИК КЕМАСИ УЧИРИЛДИ

ХЬЮСТОН, УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 15 июль. (ТАСС махсус мухбири). Совет—Америка қўшма космик эксперименти программасига мувофиқ бугун Москва вақти билан соат 22 дан 50 минут ўтганда Канаверал бурунидаги Ж. Кеннеди номли космик парвозлар марказидан Америкининг «Аполлон» кемаси учирилди. Кема ичида Томас Стаффорд (кема командири), Вэнс Бранд, Дональд Слейтонлардан иборат экипаж бор.

Икки босқичли «Сатурн-1 В» учирувчи ракетаси кемани ҳисоблаб қўйилганига яқин бошланғич орбитага олиб чиқди. «Аполлон» орбитага чиқиб олганидан кейин учирувчи ракетанинг сўнгги босқичидан ажралди.

Учишни бошқариш марказининг хабар қилишига қараганда, экипаж аъзолари ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар. Улар кема ичидаги асбоб-ускуналарни текширишга ва монтаж орбитасига чиқиш учун бир неча маневрларни бажаришга киришдилар.

Иккала кемани туташтириш «Союз—Аполлон» қўшма программасининг энг муҳим қисми бўлади, кемалар 17 июль куни Европа устида туташтирилиши кўзда тутилган. Иккала кема биргалиқда икки сутка учган вақтда космонавтлар бир кемадан иккинчисига тўрт марта ўтадилар, бир қанча илмий экспериментлар ўтказадилар.

Т. Стаффорд кеманинг учишидан олдин бундай деди: биз бўлажак Совет—Америка космик парвози мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашига аминмиз.

* * *

ХЬЮСТОН, УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 16 июль. (ТАСС махсус мухбири). «Аполлон» кемаси экипажининг космосдаги биринчи иш куни тугади. Американлик космонавтларда саккиз соатлик ҳордиқ чиқариш даври бошланди. Учишни бошқариш марказидан олинган хабарларга кўра, улар ўзларини яхши ҳис этяптилар.

«Аполлон» орбитага чиққач, учирувчи ракетанинг охирги босқичидан ажраб, 180 градус бурилди, туташтириш модулига бириқиб, уни кемани учирувчи ракетанинг охирги босқичи билан боғлаб турган йўлакдан чиқариб олди. У охирги босқич билан тўқнашиб кетмаслик учун бир оз четлашди.

Бу ерда маълум бўлишича, экипаж туташтирувчи модулга ўтишни таъминлайдиган туйнукни мўлжалланган вақтда қисмларга ажратишга муваффақ бўлолмаган. Бошқариш марказидан космонавтларга шу проблемани ҳал этишга уринишни тўхтатиш ва бу ишни дам олиб бўлгач қилиш таклиф этилди. Мутахассислар бу нуқсон тузатилади, деган фикрни айтмоқдалар.

«САЛЮТ-4»: НАВБАТДАГИ ИШ КУНИ

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 16 июль. (ТАСС). «Салют-4» орбитал илмий станцияси белгиланган программага мувофиқ учиб юрибди. Станция ичида 15 июль Москва вақти билан соат 14 дан 30 минут ўтганда бошланган навбатдаги иш куни бугун эрталаб соат 6 да тугади.

Космонавтлар биологик экспериментлар программасини бажариб, биологик объектлар билан ишлашни назорат қилдилар, ўсимликларнинг вазнсизлик ҳолатида узоқ вақт бўлиш шароитидаги ўсиш ва ривожланиш хусусиятларини қайд этиш учун уларни кино суратга олдилар.

Иш куни давомида космонавтлар шунингдек станция ичини кино ва фотосуратга олиш ишларини бажардилар, ер атмосферасидаги диққатга сазовор табиий ҳодисаларни кузатдилар ва фотосуратга олдилар. Экипаж станциянинг ва «Союз-18» транспорт кемасининг айрим системаларини профилактика мақсадида кўздан кечирди.

Белгиланган тартибга мувофиқ космонавтлар икки ярим соат мобайнида айланма йўлдан, велоэргометрдан ва бошқа машқ воситаларидан фойдаланиб, жисмоний машқлар билан шуғулландилар.

Телеметрия ахбороти маълумотларига ва станция ичидан берилган ахборотга қараганда, П. И. Климук билан В. И. Севастьяновнинг сиҳат-саломатлиги ва кайфияти яхши. Станция ичидаги системалар нормал ишлаб турибди. Учиш давом этмоқда.

МАТБУОТ МАРКАЗИ: СТАРТ КУНИ

Телетайплар тақиллаб ишлаб турибди, «Юпитер»лар ўқтин-ўқтин чарақлаб ёритиб юбормоқда, юзлаб саволлар янграмоқда. Хилма-хил тилларда гаплашувчи журналистлар «Союз», «Аполлон» деган икки сўзни муттасил такрорламоқдалар. Совет—Америка қўшма космик учишини ёритувчи халқаро матбуот маркази жойлашган Москвадаги Горький кўчасида 15 июль соат 15 дан 20 минут ўтганда «Старт» деган битта қисқа сўз яшин тезлигида планетанинг ҳамма томонига таҳқалди.

Жаҳондаги энг катта газеталар, телевизион ва радио кампанияларнинг 700 га яқин мухбирлари мана шу дақиқаларда Москвадан минглаб километр нарида — Бойқўнғирда бўлаётган тўлқинлантирувчи воқеалар тўғрисида қисқа хабарларни ва батафсил репортажларни юборишга шошилдилар. Бу хабарларни бутун дунё кутмоқда эди: Совет—Америка қўшма эксперименти космосни ўзлаштиришда янги босқич бошлаб бериш билангина чекланмайди. Бу эксперимент ҳамкорликнинг ёрқин намунаси ҳам бўлиб қоладиқ, шу ҳамкорлик кетидан кўпгина халқаро проблемаларни ҳал этишга йўл очилади.

Матбуот марказида ўрнатилган техника журналистларнинг «Союз-19» стартида ўзларини қатнашаётгандек ҳис қилишларига, секундма-секунд ҳисоблаб қўйилган ва космодромда ўтказилаётган ишларни кўриб туришларига, «Аполлон» стартга шай бўлиб турган Канаверал бурунини кўриб туришларига имкон берди, чунки Москва матбуот марказининг турли бурчакларида телевизион мониторлар ўрнатилган, шу мониторлар ёрдамида Москва Бойқўнғирни ва Хьюстонни кўриб, эшитиб турадиқ.

...«Союз-19» учирувчи ракетасининг оловли шари экранда йилтираб турган нуқтага айланди. Совет космик кемаси орбитага чиқиб олди.

Бутун дунё мухбирлари бирбирларини қучоқлаб, қутлаб, ер аҳлининг янги ютуғига қувонганликларини изҳор қилдилар. Журналистика техникаси космосдагилар каби чаққон ишлаб, орбитадан олинган биринчи янгиликларни тўхтовсиз тарқатиб турибди.

(ТАСС мухбири).

ПАРВОЗ ЯХШИ ЎТСИН!

МОСКВА ОБЛАСТИДАГИ УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИДАН РЕПОРТАЖ

•

— Бойқўнғир космодромининг старт комплекси йигирма минутлик тайёргарликда!

— «Космонавт Юрий Гагарин» алоқа боғлашга тайёр!

— Хьюстондаги бошқариш маркази навбатчилик кузатиш режимида...

Москва областидаги учишни бошқариш марказида бирин-кетин аниқ-аниқ докладлар қилиниб турибди. Ҳозир тарихий экспериментнинг бир-биридан минглаб километр олисдаги ҳамма қизғин нуқталари бу ерда, Москва областида тўташган.

Стартга 10 минут қолганида Москва областидаги марказда учиш раҳбари Алексей Елисеевнинг иш ўрнида телефон жиринглаб колди. Америка томонидан учиш раҳбари Пит Франк телефон қиларди.

— Хеллоу, Алёша! Ҳаммангизни шодиёна кун билан табриклаймиз. «Союз» экипажига муваффақият тилаймиз. Стартингизни диққат бериб кузатиб турибмиз.

Ҳозир учишни бошқариш марказининг ҳамма «цехлари» асосий воқеа—кемани учиришга бўйсундирилган. Ниҳоят старт ҳам берилди.

— Ишларимиз жойида! Бу гапни «Аполлончилар»га айтиб қўйинг. Лопиллашини сезяпмиз—кетдик чоғи! — ракета оташ дудига кўмилиб, астасекин юқорига кўтарилиб кета бошлаган бир пайтда Алексей Леоновдан мана шу сўзларни эшитдик.

Энди учишнинг ҳар бир секундига бу ерда, бошқариш марказида кемадан келаётган рақамлар устуни сифатида акс эттирилган. Старт берилганидан 70 секунд ўтгач, тезлик секундига 500 метрдан ошиб кетди. 120 секунд ўтганида тезлик секундига 1,5 километрга чиқди. 450 секунд ўтганида эса секундига 6 километр бўлди. «Учиш вақти» таблосида «530» секунд сони чақнганида марказдаги мутахассислар бир-бирларининг қўлларини қисдилар. «Союз-19» орбитага чиқди. Совет—Америка қўшма экспериментида биринчи қадам қўйилди.

— Ҳаммаси жойида, ҳаммаси программа бўйича боряпти, — деб хабар қилди ерга Леонов. — Дарчадан қарасангиз ғўзал бир манзарани кўрасиз, кўм-кўк осмон гунафша тусга кирди — бинобарин, биз космоса чиқибмиз.

— «Союз», орбитага чиқишингиз муносабати билан қизғин табриклаймиз. Парвозингиз яхши ўтсин, — деб жавоб қилди учишни бошқариш маркази.

Москва областидаги марказ динамигида «Союз» кемасининг парвози кандай ўтаётганлиги тўғрисида техникавий шарҳ доимо эшитилиб турибди. Шу шарҳ айни маҳалда учишни бошқариш Америка марказига, Москва ва Хьюстондаги матбуот марказларига ҳам берилиб турибди. Орадан 34 минут 40 секунд ўтгач, кема Тинч океан устидан учиб ўтяпти, максимал баландлиги 220 километр, ер теварагида айланиш даври 88,5 минут деган хабар келди. Экипаж бортнинг герметиклигини ҳамда ичидаги системаларнинг аҳволини назорат қилмоқда.

Старт берилганидан 40 минут ўтгач «Союз-19» Совет Иттифоқи тупроғидаги станцияларнинг радио орқали алоқа боғлай олиш зонасидан чиқиб, уни Америкаинг «Авангард» кемаси антенналари алоқа боғлашга кабул килди. Космонавтлар: «Кема ичида ҳаммаси жойида», «Аполлон»нинг старт олишини кутяпмиз», — деб хабар кидилар.

Н. ЖЕЛЕЗНОВ,
ТАСС махсус мухбири.

„СОЮЗ"—„АПОЛЛОН" ПАРВОЗИ ТИНЧЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

КОСМИК ЖАСОРАТГА ОТАШИН САЛЮТ

БЕКОБОД (Тошкент области), 15 июль (ЎзТАГ мухбири Е. Гайнулин). Бугун икки смена ораси да В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводининг пўлат қуювчилари ва прокатчилари буюк «Эпас» космик лойиҳасининг бошланишига бағишланган митингга йиғилганларида металлургларнинг оқсоқоли, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, корхона ветерани Хафиз Ғаниев бундай деди:

— Ҳар бир совет кишиси шу космик стартни жонли дилидан муборакбод этади. Биз, ўзбек металлургларимиз бутун инсоният билан биргалашиб совет космонавтларига ва АҚШ астронавтларига муваффақиятли парвоз этишларини, белгиланган программани аниқ бажариб, ерга эсон-омон қайтиб тушишларини тилаймиз. Уларнинг жасорати илм-фан ва тинчлик ишига хизмат қилади, уларнинг жасоратини бутун планета табриклайди. Ўзбекистон металлургия заводининг коллективи «Союз» билан «Аполлон» парвозларини ўз меҳнат совғалари билан муборакбод қилади: йил бошидан бери пландан ташқари 2500 тонна прокат совға қилди. Йил охиригача яна шунча прокат бериш мажбуриятини оламиз, Бекободнинг метали Ватан қудратини, халқларнинг тинчлиги ва дўстлигини мустаҳкамлашга хизмат қилаверсин!

Митингда Хафиз Ғаниев Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолигига кандидат мастер Шерали Ҳамроқулов сменаси «Союз» старт қиладиган кунни меҳнатда ғалаба билан нишонлаганлигини маълум қилди. «Шу муваффақиятимизни «Союз»нинг қаҳрамон экипажига бағишлаймиз», — дейишди металлургла р.

ДЕҲҚОНЛАРНИНГ ДИЛ СЎЗЛАРИ

Яхши муносабат, ҳамкорлик. Яқингача «совуқ уруш» сиёсати раҳна солиб келган икки буюк давлат — СССР ва Америка Қўшма Штатлари халқларининг тилида бу сўзлар эндиликда тез-тез такрорланадиган бўлиб қолди. Жаҳондаги барча давлатлар ва халқларнинг тинч-тотув яшашидан иборат ленинча тинчлик сиёсатини изчиллик билан амалга ошириб келаётган Коммунистик партия ва Совет ҳукумати, шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев ҳар икки мамлакат ўртасида қарор топган ҳамкорликни, яхши муносабатларни янада ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш учун барча зарур чораларни кўрмоқдалар. Ҳозирги вақтда буюк Совет Иттифоқи жаҳонда тинчликни мустаҳкамлаш ташаббускори деб тан олинган бўлса, Ўртоқ Л. И. Брежнев тинчлик учун буюк курашчи деб эътироф этилди.

Партия ва ҳукуматимиз, хусусан Ўртоқ Л. И. Брежнев жуда кўп куч-ғайрат сарфлаётганликлари туфайли СССР ва АҚШ ўртасидаги тинч ҳамкорлик, илмий-техника, иқтисодий ҳамда маданий алоқалар эндиликда шундай даражага етдики, буни бундан бир неча йил илгари ҳатто тасаввур қилиб бўлмасди. Ҳар икки мамлакат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувлари ва самарали музокаралари халқларга жуда катта умид бағишловчи натижалар билан якунланди. Янги жаҳон уруши хавфини камайтириш, халқаро кескинликни юмшатиш соҳасида олга томон катта қадам қўйилди. Буни жаҳондаги барча тинчликсевар кучлар, мамлакатимизнинг ҳаммэ халқлари каби, биз деҳқонлар ҳам чин кўнгилдан табриклаймиз. Партия ва ҳукуматимизга, тинчлик учун курашнинг оташи жарчиси ўртоқ Л. И. Брежневга ҳар икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни тағин ҳам ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мақсадида олиб бораётган олижаноб ишларида жаҳонда тинчликни мустаҳкамлаш учун курашларида янги муваффақиятлар тилаймиз.

«Союз» ва «Аполлон» космик кемаларини биргаликда учириш ва космосни тадқиқ этишда ҳамкорлик қилиш ҳар икки мамлакат ўртасида вужудга келган яхши муносабатларнинг ишончли далилидир. Пахта ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштириб, тўққизинчи беш йилликни муваффақиятли якунлаш ва жонажон партиямизнинг XXV съездини муносиб кутиб олиш мақсадида тинч меҳнат қилаётган республикамиз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари совет ва америка космонавтларига парвозлари муваффақиятли ўтишини тилайдилар. Уларнинг бу тарихий парвози тинчликни янада мустаҳкамлашга, ҳар икки мамлакат, совет ва америка халқлари ўртасидаги алоқаларни, ҳамкорлик ва яхши муносабатларни тағин ҳам ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашга, келгусида фан-техника, иқтисодий ва маданий алоқаларни янада кенгайтиришга хизмат қилсин.

Т. ОХУНОВА,
Чиноз районидаги Киров номли колхознинг бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати.

Ҳ. НОСИРОВ,
Жиззах районидаги «Москва» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

О. КАМОЛОВА,
Амударё районидаги Крупская номли колхознинг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Ж. ЮСУПОВ,
Пастдарғом районидаги К. Маркс номли колхознинг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Т. ДАДАЖОНОВ,
Дўстлик районидаги Ленин номли совхознинг бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

А. ЭРГАШЕВА,
Поп районидаги Ленин номли совхознинг бригадири, республикада хизмат кўрсатган механизатор.

ЁШЛАР ҚУТЛОВИ

«Союз» ва «Аполлон» космик кемаларининг биргаликда парвоз қилиши тинчлик туфайлидир.

Ҳар икки космик кема экипажлари тинчлик, тараққиёт йўлидаги парвозларини муваффақиятли якунлаб, ерга эсон-омон қайтишсин!

Мамлакатимиздаги миллион-миллион совет ёшлари қатори мен ҳам фан ва техникамизни янада бойитувчи бу илмий эксперимент натижаларини сабрсизлик билан кутаман.

Азиза МУНАЗВАРОВА,
Абу Райҳон Бируний номли Тошкент политехника институтининг студенти, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати.

АЖОЙИБ ТАДҚИҚОТ

Индивидуал хусусиятлари ҳар хил, космосдаги иш тажрибалари турлича бўлгани ҳолда бирдай шароитда турган беш нафар космонавт организмидаги реакцияларини ўрганиш, шубҳасиз, қизиқарли бўлади. Чунки, космик парвозлар доимо кишн ҳаётида ўр бир воқеа бўлиб турибди. Космос пионери Юрий Гагарин бошлаб берган космик парвозларнинг ҳар бири илм.фан, жумладан, медицина тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиб, янги ҳодисалар, қонуниятларни очди ёки мавжуд маълумотларни амалий тасдиқламоқда. Бу safar ҳам шундай бўлади.

«Союз» ва «Аполлон» кемаларининг биргалашиб учиши космик фазони тинчлик ва прогресс мақсадларида ўзлаштириш — ишида халқаро ҳамкорликнинг илк қадами бўлиб, космик медицинани эса катта янгиликлар билан бойитиши турган гап.

Зикрилла ЭГАМБЕРДИЕВ,
медицина фанлари кандидати, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач. медицина хизматининг истеъфодаги подполковниги.



Жаҳон табриклайди. Фазодаги қўл олишув. ЕР: — Баранолла, азаматлар.

А. Холиқов расмлари.

Илғор ишчи Игорь Грзунов КПСС XXV съезди шарафига муносиб меҳнат совғалари тайёрлаш учун мусобақани авж олдириб, ҳозирнинг ўзидаёқ 1977 йил май ойи календарини очди. Суратда: Тошкентдаги компрессор заводининг 5-цех ишчиси коммунист И. Грзунов.

А. Тўраев фотоси.

Советлар мамлакатида

ҒАЛЛА ОРТГАН АВТОКОЛОННАЛАР

✦ **ИЖЕВСК.** Янги ҳосил ғалласи ортилган дастлабки автоколонналар Удмуртия йўлларидан жўнади. Автоном республика жанубий зонасининг деҳқонлари давлатга дон сотишга киришдилар Кечевский ғалла қабул қилиш пунктининг ходимлари Малопургин районидаги «Молния» колхозидан келган «Қизил карвон»ни тантанали суратда нон ва туз тутиб кутиб олдилар. Шофер Г. Ахметовга дастлабки квитанция топширилди.

ОЗУҚА КОНВЕЙЕРИ

✦ **МИНСК.** Белоруссия жанубидаги хўжаликларнинг механизаторлари биринчи ўт ўримини тугаллаб, бугун янги ўсиб чиққан ўтларни ўришга киришдилар. Серқуёш кунлар, ерда намнинг етарли бўлиши яйловларда ва экилган ўтзорларда иккинчи ҳосилнинг ўсишига қулай шароит яратиб берди.

Республика хўжаликлари ҳозирдаёқ беш миллион тоннадан кўпроқ ёки ўтган йил июль ойининг ўрталаридагига нисбатан бир ярим баравар ортиқ сенаж ғамлаб қўйди.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

✦ **КИРОВСК. (Мурманск области). «Апатит» бирлашмасига қарашли бойитиш фабрикасида янги технология секцияси фойдаланишга топширилди. Энди корхонада апатит концентрати ишлаб чиқариш анча кўпаймоқда. Секция фақат йил охиригача фосфорли ўғитлар ишлаб чиқариш учун неча ўн мингдаб тонна хом ашё беради.**

КУБАНЬ ОЛМАЛАРИ

✦ **КРАСНОДАР. Кубань боғларида ёзги олма пишди. Мева етиштирувчи энг йирик хўжаликлар — «Агроном», «Сад—гигант», «Михайловский перевал» ва бир қанча бошқа совхозларнинг боғбонлари ҳосилни териб олишга ялпи киришдилар. Бу йил кубанликлар чорак миллион тоннадан кўпроқ мева ва узум сотишни мўлжалламоқдалар. (ТАСС).**

ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛДА

15 июль куни фестиваль конкурс экранида Болгария ва Вьетнам Демократик Республикаси кинематографчилари кўрсатган фильмлар ана шу қардош мамлакатлардаги санъат усталари социалистик реализм принципларига содиқ эканлигини яққол кўрсатиб туради. «Велосипед минган деҳқон» ва «Ханойлик қизалоқ» фильмларининг муаллифлари турли жанрларда ва турли тасвирий воситаларда иш кўришларига қарамай, ана шу мамлакатларнинг халқларини тўлқинлантираётган муҳим проблемаларга бўлган қизиқишда якдилдирлар.

Москвадаги IX халқаро кўрик томошабинлари Болгария фильмида таниқли кино артисти, Болгария Халқ Республикасининг халқ артисти «Бодом ҳиди», «Ёмон ҳаводан кўра яхшироқ нима бўлиши мумкин», «Биз қандай ёш эдик» деган машҳур фильмларда бош ролларни ва бошқа ролларни ижро этган Георгий Георгиев-Гец билан учрашдилар. Бу ғал артист бошқача пландаги қаҳрамон ролини ижро этиб, собик деҳқон, эндиликда шаҳарлик бўлиб қолган, ерга бўлган муҳаббати илгаригидек сақланиб қолган кишининг чуқур психологик образини яратган.

Вьетнамлик экран усталари халқнинг мардона кураш мавзуига содиқ қолиб, бу галги фестивалда ҳам ўтган уруш тўғрисидаги фильмларни тақдим этдилар. Бундан аввалги, VIII Москва кино кўригида совринлардан бири «17-параллель: кунлар ва тунлар» деган фильмга берилган эди. Бу фильм халқ жасорати кенг манзарасини кўрсатиб берган эди. Эндиги картинада (режиссер Хай Нинь) Ханой қаҳрамонона мудофааси саҳифалари аҳолининг ҳалоскор жангчиларига бўлган кўмаги болалар кўзи билан тасвирлаб берилган. Лентанинг бош қаҳрамони — ота-оналарини йўқотиб қўйган ва уруш йўлларида ўз отаси бўлган офицерни қидираётган қизалоққа халқ армиясининг жангчилари кўмаклашадилар.

Вьетнам диёрида тинчлик ўрнатилди, лекин уруш етказган яралар ҳали битгани йўқ. Шунинг учун ҳам Вьетнам Демократик Республикаси авторлари яратган фильмнинг мавзуи ер юзида тинчлик ва болаларнинг бахт-саодати азиз бўлган барча кишиларга яқин ҳамда тушунарлидир.

Шу куни «Жавобини шамолгина билади» (ГФР) — банк хўжайинлари орасида порахўрлик тўғрисидаги ўткир сюжетли детектив фильм ва «Сўнгги флексенс» (Норвегия) деган кинокомедия намойиш қилиб кўрсатилди.

Л. ЕРМАКОВА,
Е. ХОРЕВА,
ТАСС мухбирлари.

РАСМИЙ АХБОРОТ

ХЎЖАЛИККА ДОИР ҚОНУНЛАР ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

«Хўжаликка доир қонунларни янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида» КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети қабул қилган қарорда айтиладики, социалистик экономикани ривожлантиришнинг ҳозирги босқичи ва ижтимоий ишлаб чиқариш миқёслари ўсиб бораётганлиги, хўжалик фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш борасида янги, тағин ҳам юксакроқ талабларни қўймоқда. Хўжаликка доир қонунлар ижтимоий ишлаб чиқаришни янада ўстиришга ҳамда социализмнинг объектив иқтисодий қонунлари талабларига мувофиқ коммунистик қурилиш вазифаларинй ҳал этишда ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга кўмаклашмоғи лозим.

Халқ хўжалигини бошқаришни такомиллаштириш ва хўжалик фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиб туришни яхшилаш борасида кейинги йилларда бир қанча чоралар кўрилди.

Совет қонунлари анча янгиланди. Шу билан бирга хўжаликка доир қонунлар ҳозирги босқичда мамлакат экономикасини ривожлантириш вазифаларига ҳали тўла равишда жавоб бероолмайди. Бу қонунлар социалистик қурилишнинг турли босқичларида айни бир хил масалалар бўйича қабул қилинган кўп миқдордаги актлардан иборат бўлиб қолган. Бу актларнинг кўпларй эскириб қолди, бир-бирига зид бўлиб чиқмоқда ёки бир-бири билан мувофиқлаштирилмаган.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети хўжаликка доир қонунларни янада такомиллаштириш, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишда ҳамда социалистик қонунчиликни ва давлат интизомини мустаҳкамлашда бу қонунларнинг ролини кучайтириш борасида яқин йиллар ичида чора ва тадбирларни амалга оширишни зарур, деб топдилар. Айни бир хил масалаларга доир ҳуқуқий актларнинг кўпайиб кетганлигини ва актлардаги зиддиятларни, уларнинг бир-бирига боғланмаганлигини, асоссиз чеклашларни ва жуда майда-чуйда нарсаларни ҳам белгилаб қўяберибй корхоналар ва ташкилотларнинг ташаббускорлигига йўл бермасликни тугатиш бу ишни ўтказишда биринчи навбатдаги вазифа бўлиши лозим.

СССР министрликлари ва идораларига қонунларни такомиллаштириш тўғрисидаги таклифларни тайёрлаб, бу таклифларни СССР Юстиция министрлигига 1976 йил 1 январга қадар тақдим этиш топширилди. СССР Юстиция министрлигига шу таклифларга асосланиб СССР ҳукуматининг қонун кучига эга бўлган энг муҳим актлари ва қарорларини тайёрлашнинг яқин 2-3 йилга мўлжалланган планини бир қанча министрликлар ва идоралар иштирокида ишлаб чиқиб, бу планни тасдиқлаш учун СССР Министрлар Советига тақдим қилиш таклиф этилди.

СССР Юстиция министрлиги зиммасига хўжаликка доир қонунларни такомиллаштириш ишлари планларининг лойиҳаларини тайёрлаш, лойиҳаларнинг планларида кўзда тутилган қонун кучига эга актларни ва бошқа норматив актларни СССР министрликлари ва идораларининг ишлаб чиқишларини координациялаш, уларга методик ёрдам кўрсатиб туриш вазифаси юклатилди. Бу министрлик амалдаги СССР қонунлари тўпламларининг барча бўлимларини нашр этишни 1976 йилда тугаллаши лозим.

СССР Госпланига, СССР Госснабига, СССР Госстройига, СССР Молия министрлигига, СССР Давлат банкига ҳамда СССРнинг бошқа министоликлари ва идораларига ўзлари нашр этган норматив актлардаги зиддиятларни, эскириб қолган ноормаларни йўқотишни назарда тутиб, бу актларни тартибга солиш, шунингдек айни бир хил масалаларга доир турли вақтларда нашр этилган актларни бирлаштириш, бундан буён бундай актларнинг кўпайиб кетишига йўл қўймаслик, ўзлари нашр этаётган актларнинг амалдаги қонунларга мувофиқ бўлишини қаттиқ контроль қилиб туриш таклиф этилди.

Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари ва Министрлар Советлари иттифоқдош республикаларнинг хўжаликка доир қонунларини, шунингдек республикалар министрликлари ва идораларининг ҳамда меҳнаткашлар депутатлари Советлари ижроия комитетларининг норматив актларини такомиллаштириш масаласини кўриб чиқишлари лозим.

СССР ва иттифоқдош республикалар норматив актларини давлат ҳисобига олиб боришни жорий этиш, шунингдек бундай актлар тўғрисида марказлаштирилган тарзда ахборот бериб туришни ташкил этиш зарур, деб топилди.

СССР прокуратурасига барча хўжалик ташкилотларининг қонунларга риоя қилишларини ҳамда министрликлар ва идоралар томонидан нашр этилаётган норматив актларнинг СССР Министрлар Советининг иттифоқдош ва автоном республикалар Министрлар Советларининг қонун кучига эга актларига, қарорларига аниқ мувофиқ бўлишини назорат қилиб туришни кучайтириш топширилди.

ҚИШГА ЁҚИЛҒИ

СССР ҳукумати «халқ хўжалигини, шунингдек аҳолини 1975—76 куз-қиш даврида ёқилғи билан таъминлаш тўғрисида» қарор қабул қилди. Шу қарорга биноан министрликлар келгуси куз-қиш даври учун электр станцияларда, саноат корхоналарида, темир йўлларда ва пароходчиликларда кўмир ва ёқилғи мазутнинг зарур запасларини, шунингдек газ омборларида газ запасларини жамлаб қўйишга мажбурдирлар.

Республикаларнинг Министрлар Советлари СССР министрликлари ва идораларига электр станцияларни; саноат корхоналарини, коммунал маиший корхоналарни ва муассасаларни куз-қиш даврида узлуксиз ишлашга тайёрлашга доир зарур тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш таклиф қилинди.

СССР ҳукумати министрликлар, идоралар ва маҳаллий ҳокимият органлари зиммасига ёқилғини, электр энергияни ва иссиқлик энергиясини жуда қаттиқ тежаш, бошқа конлардан олинадиган кўмир, торфларни, кулранг кўмир ва торф брикетларини истеъмол қилишни кучайтириш йўли билан, айниқса ёқилғининг камёб турларини ўтхоналарда ёқиладиган мазут, газ, Донецк ва Кузнецк кўмирларини тежаш ишларини кучайтириш, шунингдек аҳолини зарур миқдорда ва сифатли ёқилғи билан қатъий равишда таъминлаб туриш чораларини кўриш, ёқилғининг маҳаллий турларини тайёрлашни ва шундай ёқилғилардан фойдаланишни кўпайтиришга эътибор бериш вазифасини юклади.

Министрликлар ва идораларга газ қувурларини ва нефть қувурларини, компрессор ва насос станцияларни ишга туширишни тезлатиш топширилгаи берилди. Халқ хўжалигини таъминлашмоқ учун ёқилғининг қўшимча ресурсларини вужудга келтиришга ёрдам берувчи бошқа бир қанча тадбирлар ҳам кўзда тутилди.

БУТУНИТТИФОҚ АҲОЛИ РЎЙХАТИ

СССР Министрлар Совети 1979 йилнинг январида Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатини тайёрлаш ва ўтказиш СССР Марказий статистика бошқармаси ва унинг жойлардаги органлари зиммасига юклатилди.

Иттифоқдош ва Автоном республикаларнинг Министрлар Советларига, меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетларига, жумладан, шаҳар манзилгоҳларининг рўйхатини ва чегараларини аниқлаш, улардаги кўчаларнинг номларини, кварталларнинг, уй-жойларнинг ва квартираларнинг номерланишини тартибга солиш, шунингдек шаҳар манзилгоҳларининг, катта қишлоқларнинг янги схема планларини ва районларнинг хаританларини аниқлаш ёки тузиш; шаҳар манзилгоҳларининг, уй-ҳовлиларда аҳоли тўғри ва тўла ҳисобга олинганлигини текшириб чиқиш; хўжалик ҳисоби дафтарлари (рўйхатларининг) маълумотларига солиштириб чиқилган ҳолда қишлоқ аҳоли пунктларининг рўйхатларини тузиш; давлат статистика органларини Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатини тайёрлаш ва ўтказиш иши билан банд бўлган аппарати учун керакли бинолар билан таъминлаш вазифаси топширилди.

СССР Марказий статистика бошқармасига 1979 йилги асосий аҳоли рўйхати программасининг лойиҳасини ҳамда уни ўтказишнинг ташкилий принципларини текшириб кўрмоқ учун айрим районларда ва шаҳарларда 1976—1977 йилларда синов тариқасида аҳоли рўйхати ўтказиш топширилди.

ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИ ХОДИМЛАРИНИНГ ИНТИЗОМИ ТЎҒРИСИДА ЯНГИ УСТАВ

СССР ҳукумати граждан авиацияси ходимларининг интизоми тўғрисида янги уставни тасдиқлади.

Кейинги йилларда меҳнат тўғрисидаги қонунларга киритилган ўзгаришлар ҳамда граждан авиациясида интизомни мустаҳкамлаш ва уюшқоқликни оширишга нисбатан кучайган талаблар бу уставда акс эттирилган.

Граждан авиациясида, дейилади уставда, интизом барча ходимларнинг қонунларда, дастурларда ва Граждан авиацияси министрлигининг инструкцияларида белгиланган тартиб ва қоидаларга қаттиқ риоя қилишларидан, ўз зиммаларига қўйилган хизмат бурчларини ҳеч сўзсиз аниқ ва ўз вақтида бажаришларидан иборатдир. Бу эса учишларнинг хавфсизлигини ва мунтазамлигини таъминлашнинг муҳим воситасидир.

Интизом меҳнатга онгли муносабатда бўлиш, ходимларни юксак маънавий-сиёсий ва ишчанлик сифатларига эга қилиб тарбиялаш билан. бошлиқларнинг талабчанлиги билан, рағбатлантиришларни ва интизомий жазо чораларини оқилона бир-бирига қўшиб ва тўғри қўлланиш йўли билан таъминланади.

Граждан авиациясининг ходими ўз ишини яхши билишга, хизмат бурчларини аниқ ва ўз вақтида ижро этишга, зарур ташаббускорлик билан ишлашга ва ишчанлик малакасини муттасил ошириб боришга, учишларнинг хавфсизлигини ва мунтазамлигини таъминлашга бутун чоралар билан кўмаклашишга, пассажирларга ғамхўр ва диққат-эътиборли бўлишга, уларга хизмат кўрсатиш маданиятини оширишга ёрдамлашишга, ташилаётган юклар, багажлар ва почталарнинг сақланишини ҳамда ўз вақтида элтиб берилишини таъминлашга мажбурдир.

Уставга интизомий жазонинг қўшимча чоралари, жумладан. хизмат тўла равишда мувофиқ келмай қолганлиги тўғрисида огоҳлантириб қўйиш, учиш ишидан ёки авиация ҳаракатини бошқаришдан бўшатиб қўйиш билан чекланиб қолмасдан шу билан бирга учишларнинг хавфсизлигини таъминлаш билан алоқадор бошқа ишларни бажаришдан ҳам бўшатиб қўйиш чоралари кўрилди.

Уставда кўзда тутилган рағбатлантириш ишлари ССР Иттифоқининг ва иттифоқдош республикаларнинг меҳнат тўғрисидаги қонунлари асослари билан мувофиқлаштирилди.

(ТАСС).

РСФСР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

15 июль куни Москвада, Катта Кремль саройида тўққизинчи чақириқ РСФСР Олий Советининг биринчи сессияси очилди.

Депутатлар **Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, А. А. Гречко, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, Ф. Д. Кулаков, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, Б. Н. Пономарев, Г. В. Романов, М. С. Соломенцев, Д. Ф. Устинов** ўртоқларни ўринларидан туриб, узоқ давом этган гулдурос қарсаклар билан кутиб олишди.

Сессияни энг кекса депутатлардан бири — Н. Э. Бауман номидаги Москва Олий техника билим юртининг ректори, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси **Г. А. Николаев** очди.

Депутатлар Россия Федерацияси Олий Советининг раиси — депутат **В. А. Котельниковни** ва унинг ўринбосарларини сайладилар.

Сессиянинг кун тартиби тасдиқланди.

Депутатлар РСФСР Олий Советининг мандат комиссиясини сайладилар.

Сўнгра Россия Федерацияси Министрлар Советининг Раиси депутат М. С. Соломенцев ваколат муддати ўтганлиги сабабли республика Министрлар Совети Раиси вазифасини зиммасидан соқит қилганлиги тўғрисида РСФСР Олий Совети Раиси номига ёзган аризаси ўқиб эшитдирилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари депутат М. А. Сусловга сўз берилади.

М. А. Суслов РСФСР Министрлар Совети Раисининг Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси ҳукумати республика Олий Совети олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилганлиги тўғрисидаги аризасини қабул қилиш ва республика Министрлар Советининг фаолиятини маъқуллаш тўғрисида таклиф киритди. М. А. Суслов депутат М. С. Соломенцевни яна РСФСР Министрлар Совети Раиси қилиб тайинлаш тўғрисида таклиф киритади.

Депутатлар қарор қабул қиладилар ва бу қарорда РСФСР Министрлар Советининг фаолияти маъқулланади. Шу қарор билан **М. С. Соломенцев** яна РСФСР Министрлар Советининг Раиси қилиб тайинланди.

Мандат комиссиясининг доклади бўйича бир овоздан қарор қабул қилинади. Бу қарорда 1975 йил 15 июнда сайланган РСФСР Олий Совети барча депутатларининг ваколати тўғри деб топилди.

«РСФСР Олий Советининг доимий комиссияларини тузиш тўғрисида» қарор қабул қилинди. 14 та доимий комиссиянинг состави ва раислари тасдиқланди.

Россия Федерацияси Олий Совети Президиумининг фармонларини тасдиқлаш тўғрисида Россия Федерацияси Олий Совети Президиумининг секретари депутат **Х. П. Нешков** доклад қилди.

Депутатлар республика Олий Советининг сессиялари ўртасидаги даврда қабул қилинган фармонларни тасдиқладилар ҳамда тегишли қонунлар ва қарорлар қабул қилдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари депутат **А. П. Кириленко**га сўз берилади. У депутат **М. А. Ясновни** РСФСР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайлаш тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг топширувига биноан Олий Совет партия группаси ва оқсоқоллар кенгаши томонидан қўллаб-қувватланган таклифни киритди. Депутатлар бу таклифни қабул қилдилар.

РСФСР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари, РСФСР Олий Совети Президиумининг секретари ва аъзолари ҳам сайландилар.

РСФСР Министрлар Советининг Раиси депутат М. С. Соломенцев республика ҳукуматининг состави тўғрисида таклиф киритади. РСФСР Олий Совети РСФСР Министрлар Советининг составини тасдиқлайди.

Тўққизинчи чақириқ РСФСР Олий Советининг биринчи сессияси ўз ишини тамомлади.

(ТАСС).

БЕШ ЙИЛЛИК САРҲИСОБИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XVIII ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Колхозимиз пахтачиликка ихтисослаштирилган. Пахта-беда алмашлаб экиш кенг жорий этилиши туфайли пахта билан бир қаторда беда етиштириш ҳам кўпайтириляпти, натижада чорва моллар озуқа базаси мустаҳкамланяпти. Бу эса чорвачиликни ривожлантириш имкониятини беряпти. 1970 йилдан 1975 йилгача бўлган даврда умумий экин майдони янги ер ўзлаштириш ҳисобига 12,5 процент кенгайтирилди. Ёки бошқачасига айтганда, 2810 гектардан 3468 гектарга етказилди. Бедазорлар эса 259 гектардан 549 гектарга кенгайтирилди.

Пахта ҳосилдорлиги тўққизинчи беш йилликнинг ўтган тўрт йилида саккизинчи беш йилликнинг тўрт йилидагига нисбатан гектар бошига деярли 5 центнер кўтарилди, белгиловчи йилда 47 ярим центнер бўлди, давлатга планда кўзда тутилган 8789 тонна ўрнига 10 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» топширилди. Ўтган тўрт йилда қўйлар сони 12 минг бошдан 20 минг бошга етказилиб, чорвачиликка ихтисослаштирилган совхозга топширилди. Қорамоллар сони 14 процент, сигирлардан сут соғиб олиш деярли 20 процент кўпайтирилди.

Умуман тўққизинчи беш йилликнинг ўтган тўрт йилида колхозчиларимиз астойдил меҳнат қилиб, қишлоқ хўжалик экинлари, хусусан пахтадан мисли кўрилмаган юқори ҳосил етиштирдилар ва тайёрлов пунктига пландагидан 28298 тонна кўп пахта етказиб бердилар. Шунингдек, гўшт, сут, тухум, пилла, сабзавот, полиз маҳсулотлари сотиш юзасидан белгиланган беш йиллик планлар ҳам муддатидан бир йил илгари сон ва сифат кўрсаткичлари бўйича ошириб бажарилди.

Юқори ҳосил, кўп маҳсулот колхозимизга катта даромад келтирди, хўжалигимизнинг экономикаси янада мустаҳкамланди, колхозчи деҳқонларимизнинг турмуш фаровонлиги анча юксалди. Тўрт йилда меҳнат унумдорлиги 26 процент ўсди. Ялпи даромад 6 миллион сўмдан ошиб кетди, ҳар йили ўртача салкам бир ярим миллион сўм соф фойда олинди.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти даромад тақсимотига жиддий эътибор бермоқда, бўлинмас фондга кўпроқ маблағ ажратиш, қурилиш-ободончилик ишларини кучайтириш, автотрактор паркининг техника базасини мустаҳкамлаш биринчи ўринга қўйилмоқда. 1974 йилдагина капитал қурилиш ишларига 887 минг 700 сўм маблағ ажратилди. Пенсия, социал страхование, маданий эҳтиёжлар учун ажратиладиган маблағ анча кўпайтирилди.

Колхозимизда пахта етиштиришни кўпайтириш механизация зиммасига ортилмоқда. Шу боисдан мавжуд техника воситаларининг «умрини» узайтириш, янги техника воситалари харид қилишга алоҳида аҳамият берилмоқда, механизатор кадрларнинг янги отряди тарбияланиб, камолга етказилмоқда. Фақат ўтган йилдагина 297 минг сўмлик турли маркадаги техника воситалари, хусусан пахта териш машиналари харид қилдик.

Колхозчи деҳқонларнинг иш шароитларини яхшилаш муҳим вазифа қилиб қўйилди. Қурувчиларимиз қисқа фурсатда ўнлаб жамоат бинолари, намунали дала шийпонлари, пионер лагерлари қурдилар, болалар боғчалари сонини кўпайтирдилар, айни кезда янги мактаблар, магазинлар, новвойхоналар, умумовқатланиш корхоналари, маданий-маиший маданий-оқартув муассасаларига аталган объектларни қуриб, фойдаланишга топширдилар. Янги тикувчилик цехи, ҳаммом, телевизор-радио устахонаси ишлаб турибди. Кўпчилик хўжаликлар ўзларининг шахсий жамғармалари ҳисобига қурган замонавий уйларга кўчиб кирдилар, ҳовли тўйлари ўтказидилар.

Колхозчиларга тўланадиган иш ҳақи йилдан-йилга ортиб бормоқда. Фақат ўтган йилнинг ўзидагина пахта, сут, гўшт ва бошқа хил моддий бойликларни кўпайтиришга ҳалол меҳнатлари билан ҳисса қўшган колхозчи деҳқонларимизга салкам 4 миллион сўм пул тақсимлаб бердик. Давлат ҳазинасидан пенсия ва страхование учун тўланган маблағ 660 минг сўмни ташкил этди. Ишга яроқли кишиларнинг иш ҳақи кескин ошди, механизаторлар, сувчиларнинг ойлик маоши 1970 йилдаги 293 сўмдан 393 сўмга кўтарилди.

Бундай муваффақиятларга эришувда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Қорақалпоғистон область партия комитети ва Тўрткўл район партия комитети, совет ташкилотларининг меҳрибонлиги ва оталарча ғамхўрлиги катта роль ўйнади. Бунга жавобан бир ғайратга ўн ғайрат қўшиб ишлаш, пахта ва бошқа моддий бойликларни янада кўпайтиришни колхозчиларимиз ўзларининг муқаддас бурчи деб билмоқдалар.

Яқинда матбуотда яна бир муҳим қарор эълон қилинди. Партия ва ҳукуматимиз қатъий пландан ташқари сотилган пахтага қўшимча 50 процент ҳақ тўлашни лозим топди. Бу пахтакорлар ҳақида қилинаётган ғамхўрликнинг янги тимсолидир. Ҳозир шундай даврда яшаяпмизки, ҳалол меҳнат қилиб, кўп пахта ва бошқа хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиринг-у, кўп ҳақ олиб, қандингизни уринг!

Давлатимиз пахта харид нархларини муттасил ошириб бормоқда. Бу билан колхозлар ва совхозларнинг экономикаси мустаҳкамланмоқда, деҳқонларнинг шахсий манфаатдорлиги ортмоқда. Колхозимиз ўтган йили 6 миллион 477 минг сўмдан зиёд даромад олди. Шундан 5 миллион 521 минг сўмдан кўпроғи пахтачиликдан келди. Бунда пахта харид нархининг оширилиши, сортнинг юқори бўлишига қўшимча ҳақ тўланиши ҳал қилувчи роль ўйнади. Мана, пахтанинг харид нархи қатъий пландан ташқари топшириладиган маҳсулот ҳисобига яна 50 процент оширилади-ган бўлди. Бу жуда катта имтиёз бўлиб, пахтакорларимизни янги меҳнат зафарларига чорламоқда.

Пахтакорларимиз жавобан юксак марраларни кўзлаб иш тутмоқдалар. Тўққизинчи беш йилликнинг якунловчи босқичида ҳар гектар ердан 45,7 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтаришга ахду паймон қилган эдик. Кейинчалик бу мажбуриятимизни қайта кўриб чиқдик ва ҳосилдорликни 50 центнерга етказиб, давлатга 11 минг тонна пахта етказиб бериш ҳақида оширилган мажбурият қабул қилдик.

Бу йил пахта сортини яхшилашга алоҳида эътибор берамиз. Бунинг учун уруғлик пахтани кўпайтирамиз, машина теримини авж олдирамиз. Ҳар тонна пахтани давлатга 523 сўм 70 тийиндан сотамиз. Колхозимизнинг қатъий плани 8075 тоннадир. Биз пландан ташқари камида 2287 тонна «оқ олтин» топширамиз. Партия ва ҳукуматимизнинг қарори асосида пландан ташқари топширган пахтамиз эвазига қўшимча деярли 600 минг сўм устама ҳақ оламиз.

Шундай қилиб, колхозимиз якунловчи йилда фақат пахтачиликдан планда кўзда тутилган 4 миллион 165 минг 200 сўм ўрнига 6 миллион 687 минг 371 сўм даромад олади. Ёки пахтачиликдан келадиган даромад бир йилда 1 миллион 125 минг 638 сўм кўпаяди.

Режаларимиз улкан, мажбуриятларимиз юксак, энди уни амалда бажариш учун ҳар қачонгидан зўр ғайрат билан меҳнат қилмоғимиз, пахтадан юқори ҳосил етиштириб, чорва моллари маҳсулдорлигини оширмоғимиз керак. Бу йил 2210 гектар майдонда ғўза ўстирмоқдамиз. Хўжалигимизда қирқ иккита пахтачилик бригадаси бор. 22 та бригада аъзолари гектаридан 52—60 центнердан пахта хирмони кўтариш учун курашмоқда. Қақабой Сафаров, Қурбон Сайитматов, Қурбонмуҳаммад Есенов, Таган Қурбонниёзов, Назаркул Аллашов бошлиқ бригадалар шулар жумласидандир.

Бу йил оқар сув кам бўлди. Шунга қарамай сувчиларимиз фидокорлик намуналарини кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Суғориш кеча-кундуз икки сменада олиб борилмоқда. Ҳар литр сувдан камида икки-уч литр сувнинг нафини кўриш бош вазифа қилиб қўйилди. Шу кунларда далаларимизда 1760 нафар колхозчи пешана тери тўкиб меҳнат қилмоқда. 270 колхозчи ғўза суғоряпти. 80 та чопик трактори ишлаб турибди. Биз июль ойининг колган кунлари ва август ойини ғўза парваришида зарбдор ой деб эълон қилдик. Бутун куч ва техника воситаларини сафарбар этиб, ғўза парваришини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Мурожаати асосида ташкил қилиб, ҳамма майдонларда юксак социалистик мажбуриятимизни қоплайдиган даражада юқори ҳосил етиштирамиз.

Якунловчи йилда она-Ватанга 443 тонна сут, 94 тонна гўшт ва бошқа маҳсулотлар сотиш ҳақидаги мажбуриятларимизни ҳам бажарамиз.

О. МАТНЕПЕСОВ,
Тўрткўл районидаги М. Горький номли колхоз раиси, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети депутати.

ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШДА

15 июль куни Москвада Союзлар уйининг Колонна залида «Куролсизланиш учун курашда олимлар ва уларнинг ташкилотларининг роли» мавзуида халқаро илмий симпозиум очилди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг симпозиум қатнашчиларига йўллаган мактуби гулдурос қарсаклар билан қутиб олинди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев мактуб текстини ўқиб берди.

Илмий ходимлар жаҳон федерациясининг президенти Э. Буроп доклад қилди.

Жаҳон Тинчлик кенгашининг Бош секретари Р. Чандра, жаҳон касаба союзлари федерациясининг раиси Э. Пасторино ва бошқалар симпозиум қатнашчиларини табрикладилар. БМТ, ЮНЕСКО ва бошқа халқаро ташкилотлардан олинган табрикномалар ҳам ўқиб берилди.

Симпозиум қатнашчилари «Союз» ва «Аполлон» космик кемаларининг тарихда биринчи марта биргаликда учишининг муҳим аҳамиятга эга эканлигини қайд қилиб, бу парвоз халқаро кескинликни юмшатиш ҳамда икки буюк давлат ўртасидаги муносабатларни яхшилаш ишига ҳисса қўшажагини таъкидлаб ўтдилар.

Симпозиум қатнашчилари шу куниёқ В. И. Ленин Мавзолейини зиёрат қилиб, гулчамбар қўйдилар. Кремль девори ёнидаги номаълум солдат қабри ёнига ҳам гулчамбар қўйилди.

(ТАСС).

МАНФААТДОРЛИК-НИНГ ЯНГИ МАНБАИ

Районимиз жанубий Мирзачўл зонасида ташкил топган энг кенжа районлардан ҳисобланади. Сўнгги уч йил ичида составида уч янги давлат хўжалиги ташкил этилди. Ҳар бир хўжаликнинг ташкил этилиши учун давлат томонидан 32 миллион сўмдан маблағ сарфланаётгани ҳисобга олинадиган бўлса, партия ва ҳукуматимиз чўлқуварлар учун канчалик катта ғамхўрлик қилаётганини ҳис этиш қийин эмас.

Меҳнаткашларимиз ана шу ғамхўрликка жавобан ишлаб чиқаришни интенсив ривожлантириш ва шу йўл билан ишчилар манфаатдорлигини ошириш соҳасида изчил тадбирларни амалга оширмоқдалар. Ишлаб чиқаришнинг асосий тармоғи бўлган пахтачиликдан йил сайин мўл ҳосил етиштириб келинмоқда. Районимиз ташкил этилган 1973 йилиёқ ялпи пахта хирмони ундан олдинги йилда шу зонада етиштирилганига қараганда 6,5 минг тоннага, ўтган йили эса 1973 йилгига қараганда 3,5 минг тоннага ошди. Маҳсулот реализациясидан олинган даромад эса икки йилдаёқ 40 миллион сўмдан ошиб кетди. Бунинг ўн миллион сўмдан кўпроғи соф фойда ҳисобланади. Шу ҳисобдан ишчиларга мукофот ва қўшимча иш ҳақи учун салкам 1,5 миллион сўм пул тарқатилди. Тўғрироғи, улар ўз меҳнатларидан икки ҳисса кўп манфаатдор бўлдилар. Механизаторларнинг ўртача йиллик даромади 2275 сўмга етди. Шунингдек, ишлаб чиқариш кенгайтирилди, қурилиш суръати ошди, хўжаликларнинг техникавий қуввати мустаҳкамланди.

Яйдоқ чўл жамоли ана шу туфайли тез суръат билан ўзгарди. Қисқа вақт ичида 460 ўринли боғча-ясли, 1,5 минг ўринли мактаб, 120 минг квадрат метр ҳажмдаги турар жой бинолари фойдаланишга топширилди. Фориш районининг хушманзара жойларида пионер лагери қурилди. Медицина, савдо ва умумий овқатланиш тармоқлари кенгайди. Хўжалик объектлари қурилди. Шу кунларда Охунбобоев номли совхоз марказини газлаштириш тугалланмоқда. Монтажчилар «Уч қаҳрамон» совхози посёлкасини газлаштириш ишларини ҳам шу йилда тугаллашни кўзламоқдалар.

Беш йилликнинг якунловчи йилида ишчиларимиз белгиланганидан 18 минг тонна кўп — 55 минг тонна «оқ олтин» етиштириш шиорини ўртага ташлаганлар. 26 минг гектар ерда юксак марра учун кураш авж олган пайтда КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советининг пландан ташқари етиштирилган пахта харид нархини ошириш ҳақида чиқарган қарори оталарча ғамхўрликнинг яна бир ифодаси бўлди. Бу қарор хўжаликлар экономикасини мустаҳкамлашда қандай имкониятлар очиб беради?

Агар пахтакорларимиз ўз мажбуриятларини бажарсалар, янги қарор туфайли пландан ташқари етиштирилган пахта учун давлатдан 4 миллион сўмдан кўпроқ маблағ оладилар. Бу маблағнинг бешдан бир қисми қўшимча ҳақ сифатида ишчиларга тўланади. Қолган қисми эса хўжаликни кенгайтириш, қурилиш ва социал тўловларга сарфланади. Аниқроқ қилиб айтганда, халқнинг реал даромади ошади, хўжалик қурилиши учун сарфланган давлат маблағининг тезроқ қопланиши учун замин яратилади. Бу ғамхўрлик эндигина қад кўтара бошлаган район марказини 14, 14 «а», 16-совхоз посёлкалари қурилишини жадаллаштириш иши сув билан ҳаводек зарур бўлган бир пайтда ҳаммани мамнун этди. Шунинг учун пахтакорлар қатори бу йил 16,5 миллион сўмлик қурилиш ишларини бажариш учун курашаётган қурувчилар ҳам иш суръатини ошириб юбордилар. Улар якунловчи йилнинг ўтган даври учун мўлжалланган графикдан анча илгарилаб кетмоқдалар.

Пахтакорларимиз бу йил ҳар гектар ер ҳисобига ўтган йилгидан анча кўп — 130 минг туп ниҳол бўлишига эришдилар. Ҳар бир ишчи ҳисобига 10-12 гектардан ер тўғри келишига қарамай, ҳар бир гектар ердан олинадиган даромадни минг сўмга етказиш учун курашмоқдалар. С. Абдукаримова, Б. Исломов, Т. Улуғмуродов, Т. Хўжақулов, К. Ражабов сингари машъаллар янги ғамхўрликка жавобан ўзлари бошчилик қилаётган бригадалар бўйича ҳосилдорликни 40-50 центнерга етказиш учун курашмоқдалар. Бу ишда депутатлар айниқса намуна кўрсатишаётир.

Район советининг яқинда бўлиб ўтган сессияси пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириши янада кўпайтириш масаласини кўриб чиқди. Нотиқлар баракали меҳнат эвазига рағбатлантиришнинг янги принципларини жорий этиш юзасидан ўз тавсияларини билдирдилар.

Чўлда тўртинчи йил деҳқончилик қилаётган Ҳ. Олимжон номли 31-совхоз деҳқонлари КПСС XXV съездини муносиб совға билан кутиб олиш учун курашиб, ажойиб ютуқларни қўлга киритди. Беш йиллик план уч йилдаёқ ошиғи билан бажарилди. Пландан ташқари 1240 тонна пахта тайёрланди. Ташаббускор хўжалик аҳлидан намуна олган район меҳнаткашлари ғалла, картошка, пилла етиштириш бўйича белгиланган перспектив планларини муддатидан илгари ўриниладилар. Биргина Охунбобоев номли совхознинг бу йилги хирмони билан пахта етиштириш юзасидан белгиланган беш йиллик план ҳам бажарилади. Беш йилликда ҳамма соҳалар бўйича белгиланган планларнинг тўла ва ошириб бажарилиши учун социалистик мусобақа тобора авж олдирилмоқда. Район меҳнаткашларининг мақсади якунловчи йилда 20,9 минг тонна дон, 1480 тонна картошка, 3 минг тонна сабзавот, 380 тонна гўшт, 270 минг дона тухум етиштиришга қаратилгандир. Бу марралар сўзсиз эгалланади. Партиямиз XXV съездини ёруғ юз билан кутиб оламиз.

Э. НОСИРОВ,
Жиззах область, Октябрь район Совети ижроия комитетининг раиси.

ЯНГИЛИКЛАР ХАБАРЛАР ВОҚЕАЛАР — ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ҲУКУМАТ ТУЗИЛДИ

САН-ТОМЕ, 15 июль. (ТАСС). Сан-Томе ва Принсипи Демократик Республикасининг биринчи ҳукумати тузилди. Бу республика 12 июль куни ўзини мустақил деб эълон қилган эди. Ҳукуматга Мигэл Тровоада бошчилик қилади, у айни вақтда мудофаа ва ташқи ишлар министри ҳисобланади.

Республиканинг ҳозирги ҳукумати муваққат ҳукуматдир. Сан-Томе ва Принсипи ороллари озодлиги ҳаракати сиёсий бюросининг қарорига мувофиқ мамлакатнинг таъсис мажлиси уч ой муддат ичида республика конституциясини тасдиқлаши лозим. Шундан кейин президент сайлови ўтказилади.

Республика президенти Мануэль Пинто да Коста янги ҳукуматнинг ташқи сиёсий йўли тўғрисида гапириб, давлат тинчтотув яшаш принципларига, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг устави ва Африка бирлиги ташкилоти хартияси принципларига амал қилади, деди.

ЯПОНИЯ. Токиода рус ва совет рассомлари асарларининг кўргазмаси очилди. Кўргазмада И. Репин, И. Айвазовский, И. Шишкин, шунингдек совет рассомларидан И. Бродский, А. Дейнеки, А. Герасимов, Ю. Пименов, Н. Ромадин, А. Пластов ва бошқаларнинг асарлари намойиш этилмоқда. Суратда: кўргазма томошабинлари рус ва совет рассомчилигига оид китобларни, репродукция ва открителларни сотиб олмоқдалар.

Е. Зацепина фотоси. (ТАСС).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

✦ ХАНОЙ. ВДР саноатида социалистик мусобақанинг шу йил биринчи ярмидаги якунлари чиқарилди. Ханой корхоналари ва қурилиш ташкилотлари катта муваффақиятларга эришдилар. Олти ой мобайнида пойтахт саноати ўтган йилнинг шу даврида-гига қараганда 8 процент кўп маҳсулот ишлаб чиқарди, шаҳар қурилиш ташкилотлари эса 50 тадан кўпроқ халқ хўжалик объектларини, 15.600 квадрат метр уй-жойни фойдаланиш учун топширдилар.

✦ АККРА. Ганада аҳоли мамлакатда энг кўп тарқалган сил касаллигига қарши мунтазам равишда эмлаб турилибди. Гана соғлиқни сақлаш масалалари билан шуғулланувчи комиссари силга қарши кураш ҳафтаси бошланиши муносабати билан маҳаллий телевидение орқали сўзлаган нутқида шу гапни айтди.

✦ РИМ. Италиядаги автомобиллар нархи 1973 йилдан бери 40—50 процент кўтарилди. Шу вақт ичида автопокришкалар нархи 25—30 процент, ёнилғи баҳоси тўрт баробар қимматлашди, запас қисмлар ва техникавий хизмат ҳақи анча ортди. Италия автомобиль клубининг бу ерда эълон қилинган ахборотида шу маълумотлар тилга олинган.

✦ НЬЮ-ЙОРК. Массачусетс штатининг Уэстфилд ва Коннекти-кут штатининг Уинстэнд вилоятларидаги икки газета босмахонасининг ходимлари бошлаган иш ташлаш ишчиларнинг ғалабаси билан тугади. Иш ташловчилар нашриётлар биноси ёнига икки ҳафтагача пойлоқчи қўйдилар. Саботли кураш натижасида газеталарнинг эгаси иш ташловчиларнинг талаблари ҳисобга олинганлиги сабабли меҳнат шартномаси тузишга розилик беришга мажбур бўлди.

✦ БУЭНОС-АЙРЕС. Чилида ҳарбий фашистлар ҳунтасининг ҳукмронлиги мамлакатнинг иқтисодий аҳволи бундан ҳам ёмонлашишига олиб бормоқда. Ишлаб майда ва ўрта корхона эгалари абгор бўлмоқда. Уларнинг мол-мулки ним ошди қилиб сотиб юборилмоқда. Чилидаги «Терсера де Ла Ора» газетасининг ёзишича, ҳозир пойтахтнинг «Нуньоа» районидаги бир неча тўқимачилик фабрикасининг ва автомобиль деталлари ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг асбоб-ускуналари шу усулда сотилмоқда. Уларнинг эгалари қарзларини тўлашга қурбилари келмай қолган.

(ТАСС).

АФҒОНИСТОН РЕСПУБЛИКА ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНЛИГИГА ИККИ ЙИЛ ТЎЛДИ

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАН

Афғонистон пойтахти Қобул ҳар қачонгидан бошқача чирой очган. Шаҳар кўчалари республика миллий байроқлари, транспарантлар билан безатилган. Афғон халки мамлакатда республика тузуми ўрнатилганлигининг икки йиллигини тантанали байрам қилмоқда.

Афғонистонда қисқа бир муддат ичида муҳим социал-иқтисодий ўзгаришлар юз берди. Афғонистон ҳукумати қишлоқ хўжалик секторининг тараққиётини ҳам ривожланишига катта эътибор бераётир. Чунки, бу сектор мамлакат аҳолисининг кўпчилигини ўз ичига олади. Икки йил ичида беш ярим мингдан ортиқ деҳқон оиласи ва кам ерли деҳқонлар деҳқончилик қилиш имкониятига эга бўлди. Бошқа соҳаларда ҳам муҳим тадбирлар амалга оширилаётир. Чунончи, мамлакатда банклар национализация қилинди, экономиканинг турли соҳаларида миллий компаниялар ташкил этилмоқда, меҳнаткашлар учун яшаш ва меҳнат қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Ишчиларнинг иш ҳақи нисбатан оширилмоқда, иш ҳафтаси нормаллаштирилаётир, социал-таъминот системаси йўлга қўйилаётир.

Мамлакатда саводсизликка қарши кураш кенг миқёсда олиб борилмоқда.

Совет Иттифоқи Афғонистон миллий экономикасини ривожлантириш учун катта ёрдам бермоқда. СССРнинг кўмаги билан мамлакатда 90 дан ортиқ саноат ва қишлоқ хўжалик объектлари бунёд этилди ва вужудга келтирилмоқда. Улар орасида Бозори Шарифда қурилган азот ўғитлари заводи алоҳида ўрин тутади. Бу корхона ҳар йили 106 минг тонна химиявий ўғит ишлаб чиқариш қувватига эга. Корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ўтган йиллар ичида қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олиш учун катта ёрдам берди. Бундан ташқари, мингларча километр тош йўллар қурилди, мамлакатнинг шимолий ва марказий вилоятлари ўртасидаги алоқалар яхшиланди. Бу йўллар орқали кўплаб юклар ташилаётир.

Совет мутахассислари Афғонистон территориясида катта нефть запасларини қидириб топдилар. Ҳозирги пайтда мамлакатда биринчи нефть қайта ишлаш корхонасини қуриш учун тайёргарлик ишлари олиб борилаётир. Мамлакатда янги саноат тармоғи вужудга келмоқда.

Икки қўшни дўст мамлакатлар ўртасидаги савдо алоқаларни муваффақиятли ривожланмоқда. Афғонистон Совет Иттифоқига газ, қуруқ ва ҳўл мева, жун, тери, пахта ва бошқа анъанавий моллар юбориб турибди. СССР эса Афғонистонга саноат ускуналари ва қишлоқ хўжалик техникаси жўнатмоқда.

Афғонистон республика деб эълон қилинган кунда совет кишилари қўшни дўст мамлакат халқларини чин қалбдан табриклайдилар.

РЕВОЛЮЦИОН ЎЗГАРИШЛАР

ВЬЕНТЬЯН, 14 июль. (ТАСС). Лаос Миллий бирлик муваққат ҳукуматининг Бош министри шаҳзода Суванна Фума миллий радио орқали сўзлаган нутқида ўз ҳукуматининг сиёсий йўли бирлашган, мустақил, бетараф, демократик ва яшнаб турган Лаосни барпо этишга қаратилганлигини таъкидлаб ўтди. Ўнг унсурлар игвогарлик мақсадида тарқатаётган овозларни кескин коралади. Ўнг унсурлар мамлакатдаги вазиятни бузиб кўрсатишга, аҳоли ўртасида парокандалик ва ишончсизлик муҳитини вужудга келтиришга уринмоқдалар.

Суванна Фума реакцион арбоблар халқ талабига биноан муваққат ҳукуматдан ва давлатнинг бошқа муассасаларидан четлатилганлигини ва бу чора ҳукуматнинг сиёсий йўлига мос бўлиб тушадиган зарур тадбир эканлигини ўқтириб ўтди.

Лаосдаги вазият, деди бош министр, кўнгилдагидек ривожланиб бормоқда. Халқ мамлакатнинг чин хўжайини бўлиб қолмоғи учун ҳукумат ҳаммаҳораларни кўрмоқда.

Ҳамкорлик доираси кенгаймоқда

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши билан Ироқ республикаси ўртасида тузилган битим тасодифий эмас. Чунки кейинги йиллар ичида Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши мамлакатлари билан Ироқ республикаси ўртасида икки томонлама иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик қилиш кенг йўлга қўйилди. Ҳозирги пайтда Совет Иттифоқининг ёрдами билан қурилган Бағдод—Басра темир йўлида юклар ва йўловчилар Польшада ишланган вагонларда ташилмоқда. Вагонларни эса Чехословакияда тайёрланган локомотивлар бошқариб бормоқда.

Ушбу мисолнинг ўзиёқ икки томонлама ҳамкорликни яққол кўрсатиб турибди. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар билан Ироқ ўртасидаги ҳамкорликни тасаввур қилиш учун қуйидаги фактларни келтиришнинг ўзи кифоя. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши мамлакатларининг ёрдами билан Ироқда 200 га яқин янги саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналари, электр станциялар, транспорт иншоотлари, социал ва маданий объектлар қурилди. Бу корхоналар мамлакат миллий экономикасининг давлат секторини мустаҳкамлашга ёрдам берди. Ҳозирги пайтда мамлакатда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 70 процентдан кўпроғи давлат сектори ҳиссасига тўғри келаётир. Ҳафталик «Багдад обсервер» газетасининг таъкидлашича, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг мадади мамлакат иқтисодий ва социал тараққиётининг муҳим омили бўлиб қолди.

Совет Иттифоқи Ироқдаги биринчи йирик миллий нефть саноати корхоналарининг ишга тушишида кўмаклашди. Шимолий Румайладаги бу корхоналарда йилига 7 миллион тонна нефть қазиб чиқарилмоқда ҳамда Ироқ нефтчилари тайёрланмоқда. СССР ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг бошқа аъзолари Ироқ республикасига унинг нефть бойликларидан самаралироқ фойдаланиш учун кенг тадбирларни ишлаб чиқишда ёрдам бермоқдалар. Социалистик мамлакатлар билан ривожланаётган давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик ана шу тарққа амалга оширилмоқда.

Африка, Осиё ва Латин Америкасидаги кўпгина «учинчи дунё» мамлакатлари ўз экономикаларини янада ривожлантиришни Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши мамлакатлари билан боғлашмоқдалар. Чунки, бу ҳамкорлик узоқ муддатга мўлжалланган бўлиб, тенглик, ўзаро фойда ҳамда ёш давлатларнинг шароитларини ҳисобга олган принциплар асосида амалга оширилмоқда.

Социалистик давлатлар экономикаси билан амалий алоқалардан кўриладиган фойда ғарбнинг ривожланган мамлакатлари учун ҳам яхши намуна бўлиб хизмат қилмоқда. Финляндиянинг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши билан ҳамкорлик тўғрисида битим тузганлиги ҳам шундан далолат бериб турибди. Ўшандан буён икки йил ўтди. Шу давр ичида Финляндия экономикаси учун ҳам, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзоси бўлган қатор мамлакатларнинг халқ хўжалиги учун ҳам муҳим бўлган қатор вазифалар муваффақиятли ҳал этилмоқда. Бундай ҳамкорликнинг самаралари яқинда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг Будапештда ўтган сессиясида ҳам маъқулланди.

О. ВЛАДИМИРОВА,
(АПН).

Шу кунларда саратон қуёши еру кўкни ўз заптига олган. Ҳарорат кўтарилаётгани учунми, ҳамма ўзини соя-салқинга, сув бўйларига урниши турган гап. Дарё, кўл ва сойларда қайиқ ҳамда солларда сайр қилувчилар кўпайиб қолди. Уларнинг аксарияти сув туризми билан чиниқишга шуғулланаётирлар. Суратларда (юқоридан пастга): байдаркачилар йўлда; Оҳангарон дарёсида солда сайр қилиш жуда гаштли; туристлар қароргоҳи.

В. Таран фотолари.



РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ

ЎЗБЕКИСТОН ССР

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ВА ЎЗТАГ МУХБИРЛАРИНИНГ ХАБАРЛАРИДАН

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ МЕВА

КАТТАҚЎРҒОН, Каттақўрпа, Едгорхўжа, Кадан, Пайшанба ва Каттақўрғон районидаги бошқа қишлоқлардаги боғларда мева сероб. Улардан ҳар куни тонна-тонна олма, ўрик, олхўри каби ширин-шакар мева ортилган автомашиналарнинг кети узилмайди. Район колхоз ва совхозлари тайёрлов пунктларига 510 тонна мева топшириб, планни қарийб бир ярим баравар қилиб бажардилар.

Нарпай райони ҳам давлатга мева сотиш планини 145 процент қилиб бажарди. Райондаги «Победа», «Иттифоқ», Ленин номли колхозлар планга қўшимча кўп миқдорда олма, ўрик топширдилар.

ЗАВОДНИНГ ДАСТЛАБКИ МАҲСУЛОТИ

МУЙНОҚ. Соатига 30 тонна қоришма ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган янги асфальт бетон заводи дастлабки маҳсулот бера бошлади. Бу корхонанинг ишга туширилиши Орол денгизи бўйидаги дам олиш зонасини, райондаги балиқчилик ва чорвачилик хўжаликларининг посёлкаларини ободонлаштириш, балиқчилар шаҳрини реконструкция қилиш ишини янада жадаллаштириш имконини беради.

ФАХРИЙ ЁРЛИҚЛАР

НУКУС. Автоном республикадаги учта энг йирик корхона — Тахиатошдаги қурилиш конструкциялари ва деталлари заводи, Мўйноқ балиқ консерваси комбинати ва Нукусдаги 14-автобаза коллективларига ВЦСПС президиумининг Фахрий ёрлиқлари топширилди. Бу коллективлар ҳосилни йиғиштириб олишда, ем-хашак тайёрлашда, фермаларни механизациялаштиришда актив иштирок этганликлари учун ана шу юксак мукофотга сазовор бўлишди.

ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

ДУСТЛИК. Бу ерда 240 ўринли янги касалхона қурила бошланди. Касалхона тўрт қаватли даволаш корпусидан ва ёрдамчи хизматлар учун бир неча бинодан иборат бўлади. Касалхонада хирургия, терапия, реанимация бўлимлари ва туғруқхона бўлими ташкил этиш мўлжаллаб қўйилди. Касалхона келгуси йилда қуриб битказилади.

ТИНГЛАНГ — ЧОРВАДОРЛАР

БУХОРО. Область радиоэшиттириш комитети олис яйловлардаги қоракўлчилар учун қўзоқ тилида эшиттириш ташкил қилди. Эшиттириш бир ҳафтада уч марта олиб борилади. Энди Бухоро радиосининг эшиттиришлари рус, ўзбек, тожик ва қозоқ тилларида янграйдиган бўлади.

ҚУРИЛИШЛАР УЧУН

ЖИЗЗАХ. Маҳаллий пластмасса қувурлар кимёвий заводи деворларни пардозлаш учун юз минг синтетик плитадан дастлабки туркумини ишлаб чиқарди. Ноёб агрегат ўрнатилганлиги туфайли бундай плиталар сифатли тайёрланмоқда. Агрегатнинг лойиҳадаги қуввати ойига 300 мингта плита ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

ВАҚТДАН ЎЗИБ

ЖИЗЗАХ. Автобус—таксимотор паркидан шоферлар С. Нуъмонов билан И. Иброҳимовлар ўз машиналарида капитал ремонтсиз 400 минг километрдан кўпроқ йўл босиб ўтдилар. Уларнинг иккаласи ҳам беш йиллик топшириғини муддатидан аввал бажариб, ҳозир 1977 йил ҳисобига ишламоқда. Улар автопарк ходимлари учун намуна бўлмоқдалар. Ҳозир бу ерда йигирмадан кўпроқ киши ўнинчи беш йиллик ҳисобига ишламоқда.

ЯНГИ МАКТАБЛАР

Бойсун районидаги «Сайроб» совхозида 320 ўқувчига мўлжалланган мактаб қурилди. Бу иморатни республика Қишлоқ қурилиши министрлигининг Сурхондарё трести бинокорлари қуриб бердилар. Бу йил министрлик ташкилотлари ана шу мактаб биноси билан учинчи шундай иморатни қуриб бермоқдалар. Қишлоқ бинокорлари бу йил кўплаб мактаб қуриб берадилар. Буларнинг ҳаммаси шу йил 1 сентябрда ишга туширилади.

Янги ўқув йилида қишлоқ болаларидан 90 мингдан зиёдроқ киши янги бинокорларнинг ёруғ ва кенг синфхоналарида сабоқ оладилар.

ҲАЁТИМИЗДА ГТО

«Союз»—«Аполлон» совет экипажининг командири, ГТО физкультура комплекси бўйича Бутуниттифоқ советининг раиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, космонавт-учувчи **А. А. Леонов** космодромга жўнаб кетиш арафасида ТАСС мухбири Г. Хачноваяннинг берган саволларига жавоб қайтарди.

— Алексей Архипович, учишга спорт жиҳатидан қандай тайёргарлик кўрдингиз?

— Тайёргарлигимнинг спорт қисми бўлгуси парвоз олдидан ўтказаётган комплекс машқларимизнинг муҳим бир таркибий қисми эканлигини таъкидлаб ўтишни истардим. Масалан, экипаж — Валерий Кубасов билан менинг иш куним одатда эрталабки зарядкадан бошланади.

Менинг асосий жисмоний тайёргарлигим кўкламда ўтказилди. Космик стартга тайёрланаётиб, IV босқич ГТО нормаларини топширдим. 41 га кирган бўлсам-да, бу нормалар 19—28 яшар йигитларнинг «жисмоний камолот» нормалари ҳисобланади. Менинг ёшимга тўғри келган V босқич—«бардамлик ва сиҳат-саломатлик» нормасини эса аллақачон бажариб қўйганман.

— Ҳозир нима қиляпсиз?

— Олтин нишон учун норма топширдим. Деярли ҳамма турдаги машқларда биринчи ўринни эгалладим, гимнастикадагина иккинчи бўлдим.

— Ҳаммасидан қийини нима бўлди?

— Сузиш нормасини узоқ вақт бажара олмай юрдим. Мен кўпроқ брасс усулида сузишни ёқтираман. Шу усулда тез бурилишни эплай олмай юрдим. Ниҳоят, бунинг ҳам уддасидан чиқканимда, назаримда, чемпион бўлиб кетдим.

— Хўш, жўрангиз қалай?

— Валерий ҳали ГТОнинг ҳамма нормаларини топшириб улгургани йўқ. Лекин учишдан сўнг қолган машқларни ҳам албатта бажараман деб менга — совет раисига ваъда берди.

— Қайси машқлар қийинроқ бўлди, биринчи космик парвозингиз олдидагисими ёки ҳозирдагисими?

— Ўшанда учишдан олдинги бир йилнинг ўзида мен 500 километрдан зиёд кросс масофасини югуриб ўтдим, пойга велосипедига миниб минг километр йўл босдим, чангида 300 километр юрдим ва батут, центрофуга, лопинг асбобларида юзлаб соат машқ қилдим. Жисмоний чиниқиш туфайли мана шу нагрузкаларга дош бердим. Спорт ҳаётимнинг ҳамма таркибий бир қисми бўлиб келган. Болалигимда Калининградда яшар эканман, ташландиқ эски қисмлардан велосипед ясаб, ҳар куни ўнлаб километр йўл босардим, 15 яшарлигимда эса иккинчи разряд олганман. Кейинчалик учувчилар мактабида қиличбозликка берилиб кетиб, шу ердаги мусобақаларда ҳатто биринчи ўринни ҳам эгаллаганман, волейбол ўйнаганман, яхтада сузганман.

— Жисмоний тайёрлигингизда ГТО комплексининг роли борми?

— Бутун спорт ҳаётим ГТО билан боғлиқ деб бемалол айтишим мумкин. 10 яшарлигимда БГТО нишони нормаларини топширганман, 15 яшарлигимда II босқич ГТО значогини қўлга киритганман. Унинг номери ҳозргача ёдимда: К-400080.

Менга комплекс идеясининг ўзи жуда ёқади. Бу комплекс кишини ҳар томонлама жисмоний баркамол қилишга қаратилган.

Космосга чиқиб тушиш шарафига муяссар бўлган озгина ер аҳлига мансуб бир кишиман. Ҳозир шу эксперимент ва бошқа парвозларда бўлган жўраларимнинг тажрибаларига асосланиб, шуни айтишим мумкинки, одамнинг мускуллари нақадар пишиқ, руҳи чиниққан ҳамда меҳнат ва курашга тайёрлигига жуда кўп нарса боғлиқ. ГТО комплекси ҳар бир киши сиҳат-саломатлик ва бардамлик олиб туриши мумкин бўлган сеҳрли манба ҳисобланади.

— ГТО Бутуниттифоқ советининг раиси сифатида ишингиздан хурсандмисиз?

— Советнинг яқинда бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида қизиқарли рақамлар айтилди: 50 миллионга яқин киши ГТО комплекси нормалари ва талабларини бажаришга тайёргарлик кўряпти, 37 миллиондан ошиқ киши ГТО нишони олиш шарафига муяссар бўлган. Булар 20 яшардан 60 яшаргача бўлган совет кишиларининг тахминан 22 процентини ташкил қилади. Ҳозир мамлакатда 250 мингдан ошиқ ГТО ўқув группалари ташкил қилинган бўлиб, жами 5 миллионга яқин киши умумий жисмоний тайёргарлик билан шуғулланяпти.

Бу рақамлар анча-мунча иш қилиб қўйилганлигини кўрсатади. Лекин ГТОнинг баъзи республика, ўлка, область, шаҳар ва район советлари ишбу тадбирнинг давлат аҳамиятига молик эканлигини тушуниб етиб, комплексни жорий этиш масалалари билан қизғин равишда шуғулланса, бундан ҳам кўпроқ ишлар қилиш мумкин.

Ҳар биримизнинг ҳаётда кўзлаган мақсадимиз бор. Муваффақиятга эришмоқ учун киши жисмоний яхши чиниқмоғи керак. Шу жиҳатдан олганда, ГТО нормасини топшириш — муваффақиятга эришиш негизидир.

УВОЛ ЭМАСМИ

ТОШКЕНТДАГИ БАЪЗИ ОШХОНАЛАР, КОРХОНАЛАРДА НОННИНГ ИСРОФ БЎЛИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМОҚДА

Кексаларимиз бирор кишидан хурсанд бўлганларида: «Нондай азиз бўлгин», — деб алқашади. Бу гапда бир олам маъно бор.

Нон ҳам нон, увоғи ҳам нон, дейдилар. Миттигина бир бўлаги оёқ остига тушиб қолган бўлса, авайлаб оладилар-да, кўзга суртиб, бир чеккага олиб қўядилар. Беподё мамлакатимизнинг ҳамма жойида тўкинчилик, маъмурчилик. Дўконлардаги турли-туман нонларни кўриб, кўзлар қувонади. Тонна-тонналаб сархил ғалла етказиб берётган деҳқонларимизга, қўли гул новвойларимизга раҳматлар айтамиз шунда.

Таажжубки, бизда баъзан-баъзан бўлса-да, нон қадрини билмайдиган кўрнамаклар учраб туради. Мана, биз Тошкент шаҳридаги Олой бозоридамиз. Бозорда кабобхоналар чунонам кўпайиб кетганки, кўрган киши: «Бу ер колхоз бозори эмас, кабоб бозори экан-ку!» — дейиши турган гап. Кабобпазлардан Қаҳрамон Тўлаганов билан Комилжон Хожиевлар махсус жойларда эмас, ташқарида савдо қилишарди. Бир томонда деҳқонлар қовун-тарвуз сотишмоқда, иккинчи томонда хўрандалар кабоб ейишмоқда. Айвончага қўйилган столлар усти ниҳоятда ифлос, пашшалар гувиллайди. Куйбишев район ошхоналар трестига қарашли бу кабобхонада нон исроф қилинаётганини айтмайсизми?! Керагидан ортиқча харид қилган хўрандалар қолган нонларни иста-ган томонларига улоқтириб кетишмоқда. «Зарафшон» ресторанининг Олой бозоридаги филиали кабоб сотиш жойида ҳам аҳвол худди шундай.

Қаҳрамон Тўлаганов кабоб сотиб турган жойда биз «Ташсельмаш» заводи смена бошлиғи Озод Маҳмудовни учратиб қолдик. У кабобпазлар ишидан ранжиб турган экан:

— Идишларини, кабоб сихларини кўринглар, бу яқин орада сув кўрмаган. Оппоқ нонни шундай идишларга солиб берганларидан кейин кўнглинг қандай тортсин?!

Ишчи йигит жуда тўғри гапни айтди.

Комсомол боғи Тошкентимизнинг сўлим оромгоҳларидан ҳисобланади. Бу ерга жойлашган умумовқатланиш корхоналари ҳам шунга монанд бўлганида эди, нур устига нур бўларди. Боғ эшигидан кириб, бир оз юргач, қаршимизда Чилонзор райони ошхоналар трестига қарашли 3-ошхона намоён бўлади. Катта бино ва унинг атрофидаги жойларни шу ошхона эгаллаб олган. Катта сув ёқасига қўйилган столлар усти ниҳоятда ифлос. Чиқинди нарсаларга аралашиб ётган нонларни кўриб, ошхона директори Мақсуд Орифхонов ачинмайди ҳам. Ошхонанинг асосий биносига киразиз. Бу ерда ҳам аҳвол ҳалигидек. Исрофгарчилик, яна исрофгарчилик! Комсомол кўли ёнидан оқиб ўтадиган сув устига қурилган чучварахона ҳам биз ҳикоя қилаётган ошхонага қарар экан. Чучварахонада исрофгарчилик авжида. Нон қадрини билмайдиган баъзилар оппоқ нонларга лабларини суртиб, улоқтириб кетишмоқда. Ҳеч ким уларга: «Хой, бундай қилиш ярамайди! Нонни увол қилма!» — деяётгани йўқ.

Маълумки, Қўйлиқ бозори шундоққина катта йўл ёқасига жойлашган. Шу сабабли у доимо одамлар билан гавжум бўлиб туради. Бозор дарвозаси олдидаги чойхона билан ошхонада эртадан кечгача одам кўп бўлади. Бозор тўридаги ошхонада ҳам шундай. Жуда ҳам сердаромад жой бу ерлар. Ошхона раҳбарларини (директори Қодир Маҳмудов) фақат мана шуниси қизиқтиради. Уларнинг савдо билан ишлари бор-у, жойларни тозалатиб қўйишга унчалик хушлари йўқ. Қолган-қутган нарсаларга аралашиб ётган нонларни кўриб, ёқа ушладик! Худди шундай исрофгарчиликни биз Янгийўл шаҳар бозори ичидаги ошхонада, Чирчиқ шаҳридаги «Чирчиксельмаш» заводи ошхонасида ҳам учратдик.

Тошкентликлар «Жар ресторани» деган сўзни кулиб-кулиб тилга олишади. Чорсу яқинидаги жарликка жойлашган бу «таомхона» кўпдан буён чайқовчиларнинг уясига айланган. Улар бу ерда ўзлари тайёрлаб келган кабоб, сомса, лагмон ва бошқа таомларни сотишади. Бозор тарқагач, қолган-қутган таомларни, нонларни пашшалар талаб ётади.

Замонавий усқуналар билан жиҳозланган корхоналаримиз сифатли нонлар тайёрлашга тобора яхши эътибор бериб келмоқда. Бўрсилдоқ нонлар тайёрлаётган азаматларнинг ишларидан кўпчилик миннатдор. Лекин баъзида дўконларимизда берч, хом нонлар пайдо бўлиб қолаётганлиги сир эмас. Бундай нонлар пештахталарда сотилмай туриб қолади. Мабодо сотилгудай бўлса, ейилмайди, исроф бўлади. Масалан, Тошкент шаҳрининг Октябрь районидаги нон комбинати ана шундай сифатсиз маҳсулот тайёрлашда ном чиқарган. Бу ерда атиги бир кунда 3700 килограмм нон брак қилинди. Корхона бош инженери Юрий Данилович Шуваев новвойлар ишини мунтазам кузатмайди, уларнинг хато ва камчиликларини тузатиб турмайди.

Тошкент шаҳридаги нон корхоналари ҳамда нон сотувчи дўконлардаги баъзи хунук воқеалар ҳақида тегишли ташкилотларга, жумладан, шаҳар прокуратурасига сигналлар тушиб турибди. Прокуратура ходимлари бундай камчиликларга қарши муросасизлик билан кураш олиб боришмоқда.

У. ЮСУПОВ,
Р. ИСҲОҚОВ,
А. ТУРАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

Г. И. ЯРОВЕНКО

Мамлакатимиз пахтачилиги оғир мусибатга учради. Қишлоқ хўжалик министрлигининг Г. С. Зайцев номли пахтачилик селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институти пахтачилик янги навлари агротехникаси ва илдиз озиқланиши лабораториясининг мудири, пахтачилик агрохимияси соҳасида атоқли олим, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор, КПСС аъзоси Геннадий Иванович Яровенко тўсатдан вафот этди.

Г. И. Яровенко 1931 йилда Самарқандда туғилди. Меҳнат фаолиятини 1953 йилда Самарқанд қишлоқ хўжалик институтини тамомлаганидан кейин бошлади. СоюзНИХИ агрохимия ва ўғитлар Марказий станциясида ишлади.

1958 йилда қишлоқ хўжалик фанлари кандидати, 1968 йилда эса қишлоқ хўжалик фанлари доктори илмий даражаси учун диссертация ёқлади. 1971 йилда профессорлик унвонини олди.

Геннадий Иванович 1959 йилдан 1974 йилгача СоюзНИХИда ўғитлар бўлими старший илмий ходими, агрохимия хизмати методик раҳбарлиги лабораторияси мудири, директорнинг илмий ишлар бўйича ўринбосари лавозимларида ишлади.

Г. И. Яровенко нисбатан қисқа меҳнат фаолияти даврида пахтани минерал ва айниқса азот билан озиқлантириш соҳасида катта тадқиқотлар ўтказди. У шу масала юзасидан турли журналлар ва тўпламларда 200 дан кўпроқ илмий асарлар чоп эттирди, 1968 йилда эса монография ёзди. У ўн бешдан кўпроқ фан кандидати тайёрлади.

Г. И. Яровенко пахтачиликни ривожлантириш соҳасидаги хизматлари учун «Ҳурмат Белгиси» ордени, В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги муносабати билан «Шавкатли меҳнати учун» медали, Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси медаллари билан мукофотланди.

Зўр ғайрат билан ишлашни қалб саховати билан қўша билган Г. И. Яровенко бирга ишлаган ўртоқларининг ҳурмат ва муҳаббатига сазовор бўлди.

Атоқли олим, дилкаш ўртоқ Геннадий Ивановичнинг порлоқ хотираси уни билган ҳамма қишилар қалбида ҳамиша сақланиб қолади.

БИР ГРУППА ЎРТОҚЛАРИ.

ИЛМ-ФАН — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

СЕҲРГАР ЭКИН

Украина сабзавотчилик ва полизчилик илмий-тадқиқот институтининг ходимлари эртанги помидор ҳосилдорлигини тўрт баравар кўпайтирадиган ажойиб бир усул топдилар. Улар одатда ғалла поясини ётмайдиган қилишда ишлатилувчи ҳаммага маълум тур препарати билан помидор кўчатига ишлов беришни таклиф қилдилар.

Помидор кўчати тур препаратининг сувли эритмаси билан уч марта дориланмоқда. Бу нарса кўчат танасининг ўсишини тўхтатди ва ғовлаб кетишига йўл қўймади. Кўчат очиқ ерга ўтқазилганида илдизи уч баравар кўпайди, шона ва гуллари ҳам анча ошди, бинобарин, ҳар бир тупнинг меваси кўпайди.

Яна бир хусусият шуки, препарат помидор гуллаши ва меваси етилишини бир ҳафта тезлаштирди. Илгари биринчи теримда гектар бошига 17 центнердан помидор олинган бўлса, кўчат тур препарати дориланганидан сўнг 65 центнердан ошиқ помидор териб олинди. Помидорнинг тами ва ҳиди асло ёмонлашгани йўқ.

(ТАСС мухбири).

Редактор ўринбосари Х. ЁДГОРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

МУАССАСАЛАР ВА КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Республика стенография ва машинкада ёзув курслари муассасалар ва корхоналарда секретар типидаги ходимларга тобора ошиб бораётган талаб ва эҳтиёжларни инобатга олган муассасалар ва корхоналарнинг маъмуриятлари йўлланмаси билан ўқитишнинг турли қисқартирилган муддатларда шартнома асосида қўшимча равишда ўқувчиларни қабул қилишни лозим топди.

СЕКРЕТАР-МАШИНИСТКА ВА СТЕНОГРАФИСТ. КАЛАР ТАЙЁЛАШ КУРСЛАРИГА ЎЗ ХОДИМЛАРИНГИЗНИ ЮБОРИШИНГИЗНИ СЎРАЙМИЗ.

Адрес: Тошкент шаҳар, 3-уй, Олмазор кўчаси, 174-уй, (Бешёғоч, Комсомол кўли ёнида) Телефон 44-30-61.

М. ҚОРИЁҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

17 июлда

МОСКВА РАЙОН (ШАҲРИХОН) «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА «САНЪАТ БАЙРАМИ» ҚАТНАШАДИЛАР:

ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС «ШОДЛИК» АНСАМБЛИ. Ансамблнинг бадиий раҳбари Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ҳаким НИШОНОВ, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, ҚҚ АССР халқ артисти Гулшод ОТАБОЕВА, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Олмахон ХАЙИТОВА, Жуманазар БЕКЖОНОВ.

Солистлар: Фахриддин УМАРОВ, Шерали ЖЎРАЕВ, Ортиқ ОТАЖОНОВ, Дадахон ҲАСАНОВ, Гулчеҳра ИСМОИЛОВА, Фотима БАРАТОВА, Азиза ТЎЛАГАНОВА.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Музыка раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Салоҳиддин ТЎХТАСИНОВ.

Программани — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ғулом ТОЖИАЪЛОЕВ олиб боради.

КОНЦЕРТ КЕЧ СОАТ 7 ДА БОШЛАНАДИ.

Билетлар сотилмоқда.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 16.10 — Ўқув кўрсатуви. 17.15 — **Футбол: «Арарат» — «Динамо»** (Тб). 18.00 — ТОШКЕНТ. 18.05 — «Орзу». 18.35 — **Тошкент — Олмаота мусобақаси.** 19.05 — **«Ахборот».** 19.20 — Дугоналаримиз ҳаётидан. 19.40 — Ёзувчилар пахта далаларида. 20.10 — Ўн минут музика. 20.20 — **«Ахборот».** 20.40 — **Саратон** (бадиий фильм). 22.00 — **Орбитада туташтириш ҳақида репортаж** (Москва). 22.30— **«Ўзбекистон чорвадори».** 23.45 — МОСКВА. **Орбитадан репортаж.** 24.00 — **«Вақт».** 00.30 — Фильм-концерт. 01.15 — **Орбитада кўришиш** (репортаж). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 18.00 — МОСКВА. 18.30 — Концерт. 19.25 — Шахмат мактаби. 19.55 — **Арғимчоқ** (телефильм). 21.10 — Янгиликлар. 21.15 — **«Жасорат»нинг дала почтаси.** 21.45 — Концерт. 22.00 — Қишлоқ ўз қиёфасини ўзгартирмоқда. 22.30 — **Эркаклар** (бадиий фильм). УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 20.00 — ТОШКЕНТ. 20.05 — Қўғирчоқ фильм. 20.45 — Тошкент ва тошкентликлар. 21.00 — Тошкент янгиликлари. 21.15 — Телефильм.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Шахсий масалалар бўйича қабул куни — «МОСКВА», «ЎЗБЕКИСТОН» 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Ғалати қиз (11.00, 14.00, 17.00, 20.00), **Қувиш** (12.00, 15.00, 18.00, 21.00), — «ҚОЗОГИСТОН».

Мактаб олтинлари — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Сенинг, шошмай тур! (8 қисм) — «ЧАЙКА (кундуз ва кечқурун).

Туҳмат қурбони; Тонг — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Мукофот (тоқ соатларда), **«Кўк илон» ҳалокати** (жуфт соатларда) — «ДРУЖБА».

Мозандарон шери — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Бир ишқмас ҳаётидан —«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Дайди — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Эсавер шамол! — «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

Мукофот — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

ЕЗГИ БИНОДА

Бошсиз чавандоз — «ФЕСТИВАЛЬ».

В. В. КУЙБИШЕВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

1975—1976 ўқув йили учун

Студентлар

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ИНСТИТУТГА УРТА МАЪЛУМОТЛИ, ЕШИ 35 ДАН ОШМАГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. ҚАМИДА ИККИ ЙИЛЛИК ИШ СТАЖИГА ЭГА БЎЛГАН ҲАМДА СОВЕТ АРМИЯСИ ВА ҲАРБИЙ-ДЕНГИЗ ФЛОТИДА ХИЗМАТ ҚИЛИБ ҚАЙТГАНЛАРГА МАЪЛУМ ИМТИЁЗЛАР БЕРИЛАДИ.

Техникумларни битирганлар камида уч йиллик иш стажига эга бўлишлари керак.

ИНСТИТУТДА АГРОНОМИЯ, ВЕТЕРИНАРИЯ, ЗООТЕХНИКА, ҚОРАКУЛЧИЛИК ФАКУЛЬТЕТЛАРИ МАВЖУД.

Кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар: биология (оғзаки), **химия** (оғзаки), **физика** (оғзаки), **ўзбек** (рус) **тили** ва **адабиёти** (ёзма).

Урта мактабни олтин медаль ва техникумни имтиёзли диплом билан битирганлар (5 процент миқдорида) **танланган ихтисос бўйича фақат бир фандан имтиҳон топширадилар.**

Ўқишга кирувчилардан қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади: ректор номига ариза, ўрта маълумоти ҳақида гувоҳнома, иш ёки ўқиш жойидан характеристика, 286-форма медицина справкаси, бош кийимсиз тушилган 3х4 см. ҳажмдаги тўрт дона фотосурат, меҳнат ёки колхоз дафтарчасидан кўчирма.

Шунингдек, абитуриентлар ўзлари билан бирга паспорт, ҳарбий билет, партия, комсомол, касаба союз билетларини ҳам олиб келишлари керак.

АРИЗАЛАР 31 ИЮЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ 1 АВГУСТДАН 20 АВГУСТГАЧА УТКАЗИЛАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Узоқдан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Адрес: Самарқанд шаҳри, Карл Маркс кўчаси, 77-уй.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ НАШРИЁТИ

ортиқча электр, полиграфия материаллари ва химикатларни

СОТАДИ

Мурожаат учун адрес: таъминот бўлими, тел 33-21-86.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ

Ўзбекистон ССР халқ артисти Ҳаким ЗАРИПОВ раҳбарлигидаги «ЎЗБЕКИСТОН ЙИГИТЛАРИ» аттракциони учун абитуриентларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

16—22 ёшли маҳаллий миллат йигитлари қабул қилинади.

КОНКУРС 19 ИЮЛДА «ШАПИТО» ЦИРКИ (Киров кўчаси, 11-уй)**ДА СОАТ 18.00 ДА УТКАЗИЛАДИ.**

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: паспорт, турар жойидан справка, маълумоти тўғрисида ҳужжат.

Мурожаат учун адрес, Тошкент шаҳар, Шота Руставели кўчаси, 18-уй.

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

20 июль кеч соат 7 да СССР биринчилиги учун олий лиганинг КАРПАТИ» (Львов) — «ПАХТАКОР» (Тошкент) командалари ўртасида ФУТБОЛ.

Дублёрлар 19 июль кеч соат 7 да учрашадилар.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг Г. С. Зайцев номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли селекция ва уруғчилик илмий-тадқиқот институти пахтачилик янги навлари агротехникаси ва илдиз озиқланиши лабораториясининг мудири, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор

Геннадий Иванович ЯРОВЕНКОнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент область касаба союзлари Совети Узсовпроф раиси М. А. Зоидова отаси

Аббос ЗОИДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент телевидениеси коллективи қишлоқ хўжалик программаси бош редакциясининг редактори А. Хоитоевга отаси

Холтой МИРЗААҲМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 * ТЕЛЕФОНЛАР

Коммутатор — 330249 дан 330258 гача

Эълонлар — 338142.

Р. — 03484. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583 Б. — 166.